4-0496

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 27 март, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 21 (6718)

Дават

Сен токайгача фақат ўз осойишталигинг ҳақида ўйлайсан?!

Шундай йўл тутки, сен туфайли бошқа одамлар ҳам осойишталик топиб, роҳатга етсин.

«ОЙИНАИ ИСКАНДАРИЙ»дан.

Ибрат

«Наврўз»га бағишланган шанбаликда Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли муассасалар ҳам фаол иштирок этишиб, 101 минг мевали дарахт, 10 минг тўп терак, 80 минг тўп гул кўчати утказди, 20 мингдан зиёд кўргазмали қуролни таъмирлашди, 18 минг куб-метрдан зиёдроқ ариқ ва йўлакларни тозалашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎзА МУХБИРИ БИЛАН СУҲБАТИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ — ЎзА МУХБИРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВДАН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ РИВОЖИ БИЛАН БОҒЛИҚ БИР НЕЧА САВОЛГА ЖАВОБ БЕРИШНИ ИЛТИМОС ҚИЛДИ.

САВОЛ: Кейинги пайтларда айрим мамлакатлар матбуот саҳифалари ва телевидениеси-да собиқ СССР ҳудудидаги, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларнинг чуқур интеграцияси тўғрисида давлатлараро шартномалар имзоланишга тайёрланаётгани ҳақида турли-туман фикрлар тез-тез такрорланиб турибди. Сизнинг бу хусусдаги фикрингизни билишни истар эдик.

ЖАВОБ: Ҳақиқатан ҳам, кейинги пайтларда собиқ совет ҳудудидаги давлатларнинг интеграцияси тўғрисида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўз умрини яшаб бўлди, энди интеграциянинг янги моделини яратиш лозим, деган мазмунда жуда кўп гапириляпти. Айрим кишилар ҳозирнинг узидаёқ бу мулжалланаётган бирлашма ва давлатлараро ташкилотларнинг номларини ҳам топиб қўйган.

Бу гапларни Беларусь Президенти ўртоқ А. Г. Лукашенконинг чиқишлари, нутқларидан эшитганда, агар биз барчамиз шошилинч равишда интеграция билан шуғулланмасак, дарҳол Россия атрофида бирлашмасак, ҳолимиз вой бўлади, келажагимиз, мамлакатимизнинг тараққиёти барбод бўлади, деган таассурот туғилади. Ҳеч ким, бирор давлат мустақил равишда яшаб қололмайди, ўз муаммоларини ҳал этолмайди, бўҳрондан чиқолмайди, деган баёнотларни доимо эшитиб турамиз. Гўё Европа ва бошқа жойларда биз ҳеч кимга керак эмасмиз, нажот фақат тезроқ бирлашишда ёки бугунги кун тили билан айтадиган бўлсак, интеграцияда эмиш. Дастлаб давлатлараро иқтисодий ва гуманитар асосда чуқур интеграцияга эришсак, кейинчалик... қандайдир «конфедерациями, федерация иттифоқи деган, собиқ СССРдан ҳам мустаҳамроқ бирор уюшма»га етишувимиз ҳеч гап эмас эмиш.

Яна бир гап: бугунги айрим суверен давлат раҳбарлари ўзига, худо кўрсатмасин, собиқ СССРнинг барбод бўлишида иштирок этган, деган айб қўйилишининг олдини олишга уринади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги айрим раҳбарлар интеграция ёки турли-туман иттифоқлар барпо этиш тўғрисидаги янги ташаббусларни дам-бадам кўтариб турмаса, хумори босилмайди.

Шуниси ғалатики, айрим раҳбарлар ўз номидан, айтайлик, ўз республикаси номидан эмас, албатта, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига бирлашган барча мамлакатлар номидан гапиришга ҳаракат қилади. Гўёки, уларга барчанинг номидан гапириш ҳуқуқи берилгандек.

Бироқ бу халқлардан ҳар бирининг муайян тафаккур тарзи, руҳияти, кайфияти қандайлиги, бу муаммоларга муносабати, улар ўз келажагини қандай тасаввур этаётгани хусусида ўйлаб кўриш уларнинг етти ухлаб ҳам тушига кирмайди.

САВОЛ: Сизнинг фикрингизча, бундай ташаббусларни қандай изоҳлаш мумкин?

ЖАВОБ: Бундай «ўта фаоллик»ни, ўзбекча қилиб айтганда, ҳовлиқмаликни фақат шундай изоҳласа бўлади:

Биринчидан, барчанинг назарида бўлиш, ўзини нафақат ўз халқининг, балки қачонлардир

(Давоми 2-бетда)

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 март куни Франция Республикаси ташқи ишлар вазирлиги бош котиби Бертран Дюфурк бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида иккала мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий ҳамда сиёсий соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш хусусида гап кетди.**

❀ **«Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Унда тайёр маҳсулотнинг ташқи бозорларга кириб боришига кўмаклашиш ва экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга кредит бериш механизмини яратиш кўзда тутилган.**

❀ **Нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ягона бўлган Асака шаҳридаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида Наврўз кунлари мамлакатимизнинг биринчи автомобили ишлаб чиқарилди.**

❀ **Россия Федерацияси Кенгаши Давлат Думасига мурожаат қилиб, қуйи палатада Беловеж битими билан боғлиқ масалага яна қайтишни таклиф қилди. Дума эса бу масала, аввало, фракцияларда кўриб чиқилиши керак, дея уни кун тартибига қўйишдан бош тортди.**

❀ **АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер Россия Давлат Думасининг Беловеж битимини рад этиш тўғрисидаги қарорини ўта масъулиятсизлик, дея баҳолади.**

❀ **Испания Кубани иқтисодий қамал қилишни кучайтиришга қаратилган Хелмс-Бэртон қонунига қарши чиқиб, бу оролдаги ўз инвестицион лойиҳаларини ўзгартирмаслигини маълум қилди.**

❀ **Польша Президенти Квасьневский мамлакат қуролли кучлари НАТОга киришга тайёр эканлигини намойиш этди, энди гап фақат сиёсатчиларда қолди, деди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида:

1. 1996 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида:

иш ҳақининг энг оз миқдори — ойига 400 сум;

меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори — ойига 900 сум:

фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромади энг оз миқдори — ойига 550 сум;

ягона тариф сеткаси бўйича бошлангич (нулинчи) разрядининг энг оз миқдори — ойига 550 сум миқдорида белгилансин.

2. 1996 йилнинг 1 апрелидан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари стипендияларининг миқдорлари ўрта ҳисобда 1,4 баравар оширилсин.

3. 1996 йил 1 апрелдан қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

— болалигидан ногиронлар учун нафақалар миқдори ойига 900 сум;

— зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун нафақалар миқдори ойига 550 сум.

4. Иш ҳақига устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар ушбу фармонда кўрсатилган энг оз иш ҳақи миқдори асосида 1996 йил 1 апрелидан бошлаб амалга оширилади.

5. Узбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар мазкур фармон қоидаларига асосланиб ҳамда 1996 йил 1 апреллан жорий этиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасини ҳисобга олган ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендияларнинг ва ходимлар мансаб маошларининг миқдорлари ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ошириш билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва ижтимоий сугурта фонди ҳисобидан қоплансин.

7. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотлар иш ҳақини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат харажатларини пасайтириш ҳисобидан меҳнат ҳақи фонди доирасида оширсинлар ва бундан мазкур фармон билан белгиланган энг оз иш ҳақи кўпайтирилишини таъминласинлар.

8. Узбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 16 августдаги 1213-сонли фармони (8-банди бундан мустасно) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Вазирлар Маҳкамаси ушбу фармоннинг бажарилишини назорат қилишни таъминласин.

Узбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 18 март.



Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли иқтидорли болаларнинг кўп тармоқли «Халқобод» лицей-интернатида ўқиш-ўқитиш ишлари кўнгилдагидек. Мазкур масканда ёшларнинг юқори савияда таълим-тарбия олишлари учун барча шароитлар бор. Айниқса, математика ва информатика гуруҳига қабул қилинган ўқувчилар ҳозирги кунда бемалол компьютер билан тиллаша оладилар.

Суратда: математика ва информатика гуруҳи ўқувчилари машғулот пайтида.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

Бизга жавоб берадилар

«САМАРҚАНД САФАРИ»

(«Маърифат», 1996 йил 20 январь)

Газета махсус мухбири Ҳ. Сайиднинг шу номдаги мақоласи 1996 йил 30 январда туман халқ таълими бўлимининг кўчма кенгашида муҳокама қилиниб, мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш тадбирлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Бундан ташқари мақола 1996 йил 15 февраль куни туман фаолларининг йиғилишида ҳокимлик бўлимлари, корхона, муассаса, ташкилот, хўжаликлар раҳбарлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва шаҳар маҳаллий қўмиталари раислари, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари ҳамда барча мактабларнинг директорлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Мақолада кўрсатилган, шунингдек, халқ таълими соҳасидаги бошқа камчиликларни тугатиш ва халқ таълими соҳасининг бундан кейинги иш фаолиятини кескин яхшилаш тадбирлари қабул қилинди ҳамда туман фаолларининг бу борадаги вазифалари белгилаб берилди.

Мактабларда дарсликларни тарқатишда айрим ғайриқонуний ҳолларга йўл қўйилгани учун тумандаги 11-ўрта мактаб директори О. Маҳкамов эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди, 42-ўрта мактаб директори Р. Ғаниева ҳайфсан эълон қилинди. Шунингдек, 34-мактабда услубий ва тарбиявий ишларга совуққонлик билан муносабатда бўлгани учун мазкур мактаб директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари А. Файзиев эгаллаб турган лавозимидан четлатилди.

Тумандаги янги мактаб бинолари қурилишини тезлаштириш учун маблағ ажратилишига, мактабларнинг моддий-техника базасини кучайтиришга ёрдам сўраб вилоят ҳокими, республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, республика Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа мутасадди ташкилотларга мурожаатлар қилинди ва таклифлар киритилди.

Туман ҳокимлиги бундан кейин халқ таълими соҳасига эътиборни кучайтиради ва белгиланган тадбирларни бажарилишини ўз назоратига олади.

У. МАҲМАТМУРОДОВ,
Ургут туман ҳокими.

АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Қори-Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида Республика Халқ таълими вазирлиги қошидаги педагогика-психология ва хусусий методика фанлари бўйича илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштирувчи ва тавсия берувчи кенгашнинг дастлабки йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев бошқариб борди.

Йиғилишда сўзга чиққан мазкур кенгаш раиси И. Турсунов, педагогика фанлари илмий тадқиқот институти директори Д. Шодиевлар илм-фанни ҳозирги замон талаблари даражасида ривожлантиришда ҳамда самарадорлигини ошириш, узлуксиз таълим тизимида ўқув-ўқитув ишларининг мазмуни, методлари ва воситаларини қайта кўриб чиқиш, уларни илмий асосланган ҳолда такомиллаштириш лозим эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, республикамизнинг илмий салоҳиятини юксалтириш, етук малакали кадрлар тайёрлашни янада юқори поғонага кўтариш учун бу борада олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш бугунги кунимизнинг муҳим ва долзарб масалаларидан эканлиги ойнадек равшан.

Кенгашнинг мазкур йиғилишида олий ўқув юртлари, илмий, тадқиқот институтлари ва бошқа илмий марказлар тавсиясига кўра педагогика-психология ва хусусий методика фанларидан номзодлик ва докторлик ҳимоя ишлари мавзуларини мувофиқлаштириш, уларнинг яхлитлигини ва такрорланмаслигини таъминлаш учун ҳозирги шароитда зарур бўлган давлат буюртмаларини тегишли илмий муассасаларга тавсия этиш, илмий ишларга холисона муносабат билдириш каби кенгашнинг асосий вазифалари сўзга чиққанлар томонидан қайд этилди.

Республикамизнинг кўпгина вилоятларидан вакиллар қатнашган, педагогика-психология ва хусусий методика фанлари бўйича мутахассислар, фан номзодлари ва профессорлар иштирок этган ушбу йиғилиш очиқ мулоқот тарзида ўтди.

З. УСМОНОВА.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ТИНЧЛИККА ХАВФ СОЛАДИГАН ТАЛВАСА

ЕВРОПА файласуфларидан бирининг «агар математик формулалар баъзилар манфаатига мос келмаса, рад этилган бўлур эди» деган фикри маълум. Россия Давлат Думаси кўпчилик депутатларининг яқинда қабул қилган қарори бундан 220 йилдан кўпроқ илгари айтилган бу фикрнинг асоссиз эмаслигини яна бир марта тасдиқлайди. Лекин бунда гап мавҳум формулалар тўғрисида бормай, балки мустабид собиқ Совет давлати ўрнида қарор топган мустақил мамлакатлар халқларининг хоҳиш-иродаси, уларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан барча тамойилларга кўра тан олинган давлат суверенитетини рад этиб, собиқ СССРни тиклаш ҳақида бормоқда.

Тақдир Испания, Буюк Британия, Франциядга узоқдан — Америка, Африка, Жанубий Осиё ҳисобига, Россиядан эса ёнгинасидан ҳудуддош минтақалар ҳисобига мустамлакачи салтанат бўлишликни насиб этганди. Агар аллақачонлар Ғарбий Европа давлатлари ўзларининг мустамлакаларига мустақиллик берган бўлса, Россия жуғрофий қулайликдан фойдаланиб бундай қилмади. Аксинча, ҳозирги ақлимиз билан тушунганимиздек, салтанат большовойлар ҳокимияти ёрдамида қизил тусда сақлаб қолинди. Халқлар эса ҳақиқий озодликка эришмай қолаверди.

Лекин ташқаридан битта ҳам ўқ узилмаган ҳолда тарихнинг ҳукми билан қизил салтанат ич-ичидан емирилиб барҳам топди. Тарихда кўп бўлганидек, емирилган империяларни тиклашга қанчалик уринилмасин улардан биронтасига қайта умр бағишланмаган. Худди шунингдек, Россия Думасидаги салтанатпарастлар хоҳишига пешвоз чиқадиган гуруҳ ўзбек халқи орасида объектив жиҳатдан йўқдир.

СССРни тиклашга доир уринишларнинг ҳуқуқий томони асоссизлиги билан ҳар қандай танқиддан паст турадики, бу мантиқни ҳақорат қилишдан бошқа нарса эмас.

Масаланинг мафкуравий томони ҳақида шу нарсани айтиш ўринлидир: Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари аҳолисигина эмас, балки жаҳон меҳнаткаш оммасининг ҳам асосий қисми коммунизм касалидан ҳозирда мустаҳкам иммунитетга эга бўлиб қолди. Бинобарин, ўтмишда бўлганидек, йўқсилларни бирлаштириб, улар кучидан бузиш ишларида фойдаланишга уриниш ҳам истиқболсиз эканлигини ҳозир ҳамма билади.

Бу ҳаракатларни бир сўз билан ўтмишни қўмсаган кучларнинг талвасаси дейиш ҳам мумкин эди. Лекин масаланинг яна бир томони борки, бу кучлар жамият ичида таянчга эга. Уларни саҳнага келтирганлар сон жиҳатдан оз эмас. Назаримизда Узбекистонда бу хусусда матбуот ёки радио ва телевидение орқали етарли ахборот кенг оммага етказиб берилмаётир. Ахир, бундан кейин ҳам узоқ вақт объектив равишда Россия давлати билан турли соҳаларда алоқалар олиб боришимиз зарурлигига бу мамлакатдаги кучларнинг муносабати қандайлигини халқимиз мунтазам билиб бориши лозим-ку? Мамлакатимиз раҳбари И.Каримов ҳам бу тўғрида бир неча марта гапирган эди.

Ташқи давлатлар, айниқса, Россия сиёсати шундай ёритилсинки, кенг жамоатчилик воқеалар ривожланишини кузата бориб ва чуқур мулоҳаза юритиб Узбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлашнинг ташқи омиллари қандай шароитларда таъминланаётгани халқимизга равшан бўлсин.

Иномжон РАҲИМОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети табиий факультетлар фалсафа кафедрасининг мудири, профессор.
Шодмонқул АЗИЗОВ,
ижтимоий факультетлар фалсафа кафедрасининг доценти.

ХАБАРЛАРИ

ДОШҚОЗОНДА ОШ ДАМЛАНДИ

Тошкент вилояти болалар жамғармаси бўлими Янгийўл туманидаги шароити оғир, ёрдамга муҳтож 15 оилани йиғиб байрам тадбири ўтказди.

Байрамнинг янада хушкайфиятда ўтишида Тошкент шаҳридаги Маҳфуза Ғуломова бошчилик қилаётган ошхона жамоаси катта дошқозонда ош дамлаб, ҳар хил пишириқлар пишириб дастурхон ёздилар.

БАҲСДА МУАЛЛИМАЛАР

Наманган туманидаги 27-ўрта мактабда ўтказилган «Аёл билан олам мунаввар» танлови фасллар келинчаги бўлмиш баҳорга бағишланиб, унда одатдагидек ўқувчилар эмас, балки муаллималар ўзаро куч синашдилар. Улар асосан «Танишув», «Кўклам салатлари», «Эркин мавзу» шартлари асосида беллашиб, ўзларининг ҳаққонлик, зукколик ҳамда билимдонликларини ўқувчилар олдида яна бир бор намойиш этишди.

Танлов якунига кўра мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Матлубахон Назарова ғолиб деб топилиб, мактаб педагогик жамоасининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

МАШҒУЛОТЛАРДА ФАН НОМЗОДЛАРИ

Улуғбек номидаги Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси жамоасининг ташаббуси билан «Хорижий тилларни ўрганамиз» дастури асосида янги тил ўргатиш курси очилди. Машғулотларни катта тажрибага эга бўлган ўқитувчилар, фан номзодлари олиб боради. Ўқувчиларнинг билими вақти-вақти билан синовдан ўтказиб борилади.

Дарвоқе, энг қобилиятли, истеъдодли ўқувчилар танланиб, уларга жамғарманинг махсус ажратилган пул мукофотлари тақдим этилади.

ТУМАНДАН ВИЛОЯТГА

Яқинда Чортоқ туманида мактаб ўқувчиларининг бадиий ижод, наққошлик, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат, каштачилик бўйича ўзаро мусобақаси ниҳоясига етди. Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига биноан 1, 21, 26, 31-мактаб истеъдодли ўқувчиларидан И. Солиев, М. Уролова, Ў. Қучқоров, А. Абдумаликовлар ғолиб деб топилиб, вилоят танловига йўлланма олишди.

ЭЛЧИНИНГ ТАШРИФИ

Ҳамза туманидаги урду тилига ихтисослашган 156-мактабда Покистон Ислом Республикаси ташкил этилган кунга бағишланган тантанали кеча ўтказилди. Кечага ташриф буюрган меҳмонлар мактабда ташкил этилган шарқшунос олим Раҳмонберди Муҳаммаджонов музейини кўздан кечирдилар ва мактаб ўқувчиларининг урду тилида тайёрлаган қўшиқ, рақсларини тинглаб, томоша қилдилар.

Кечада иштирок этган Покистоннинг Ўзбекистондаги мухтор элчиси Шафқат Шайх Али анжуман ташаббускорларига ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

НАВРЎЗДА СОБИТ АСОМОВ

Шайхонтоҳур туманидаги 76-мактабда баҳор ва гўзаллик элчиси Наврўзга бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди. Мазкур анжуманга таклиф этилганлар орасида ҳомийлардан Тошкент пиво ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари И. Орифхўжаев, «Жаҳонгир» фирмаси раҳбари А. Холбеков, шу мактабнинг тил-адабиёт ўқитувчиси Н. Усмонов, шу жумладан, филология фанлари доктори, профессор Ф. Сулаймонова, шоирлардан Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон, Аъзам Ўктам, Жонибек Субҳонлар сўзга чиқиб, Наврўз тарихи тўғрисида гапиришди ва ўз шеърларидан йиғилганларга ўқиб беришди.

Дарвоқе, Наврўз тадбирида машҳур қизиқчи Собит Асомов ҳам иштирок этди.

МУАЛЛИФЛАР: Д. САПАРОВА, Қ. РАҲМОНОВ, А. САПАРОВ, Ў. МЎМИНОВ, У. АЛИХЎЖАЕВ, О. ҲАЙИТ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЯГОНА ТАРИФ СЕТКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитларида иш ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини ошириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг меҳнатнинг мураккаблигига ва ходимларнинг малакасига боғлиқлигини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси тасдиқлансин. Бошланғич разряднинг 550 сўм миқдоридаги тариф сеткаси ягона тариф сеткасига асос қилиб олинсин.

2. Қўшимча ҳақ ва устамаларнинг амалдаги тизими, шунингдек, ходимлар иш ҳақига қўшиладиган район коэффициентлари сақлаб қолинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қўллаш бюджетдан маблағ билан таъминланадиган барча муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Ходимларнинг тариф-малака разрядларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси асосида белгилаш ўз молиявий фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида амалга оширувчи барча давлат ва давлат-акционерлик корхоналари ва ташкилотлари учун мажбурий ҳисоблансин.

Мулкчиликнинг бошқа шакларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга ходимларнинг тариф-малака разрядларини ягона тариф сеткаси асосида белгилаш тавсия этилсин.

4. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар, бирлашмалар Меҳнат вазирлиги билан келишган ҳолда, бюджетдан маблағ билан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳам келишган ҳолда икки ҳафта муддатда раҳбар ходимлар, мутахассислар ва ҳизматчиларнинг амалдаги тарификация тизимини қайта кўриб чиқсинлар ҳамда уни меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси талабларига мувофиқлаштирсинлар.

Ўзбекистон Рес́публикаси Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимларининг амалдаги тарификация тизимини қайта кўриб чиқсинлар ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси талабларига мувофиқ янги тариф сеткасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

5. Меҳнат вазирлигига Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тариф-малака маълумотномаларида ўз аксини топмаган ишлар ва касблар (лавозимлар)ни ягона тариф сеткасининг тегишли касблар (лавозимлар) разрядларига тенглаштириш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларининг ягона тариф сеткасига мувофиқлигига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ўн кун муддатда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қўллаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин. Вазирликлар ва идораларнинг тегишли ходимлари билан меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қўллаш билан боғлиқ тушунтириш, ташкилий ва методологик ишларни олиб борсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 декабрдаги 589, 590-сон ва 1995 йил 23 февралдаги 65-сон қарорлари 1996 йил 1 апрелдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 18 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎзА МУХБИРИ БИЛАН СУҲБАТИ

(Боши 1-бетда)

СССР таркибида бўлган бошқа республика ва халқларнинг ҳам манфаатлари учун қуюнадиган киши сифатида кўрсатиш, кўз-кўз қилиш истаги.

Иккинчидан, менимча, бу энг муҳими ҳам — ўз фуқаролари ва жамоатчиликнинг диққатини мамлакатдаги кескин муаммолардан чалғитиш, бошқа йўл тополмаслик, истасангиз, буткул ноčорлик белгисидир.

Аслида бу ерда баҳснинг ўзига ўрин йўқ: интеграция керак, мен ҳатто интеграциянинг ўзигина эмас, умумий мақсадларга эришиш, барча халқларнинг фаровонлиги йўлида бор куч ва имкониятларни бирлаштириш учун шарт-шароит яратадиган кооперация керак, деб айтган бўлардим.

Бироқ интеграция оқилона бўлмоғи лозим. Аввало, бундай интеграция учун тегишли шарт-шароит яратилиши зарур. Яъни, менинг қатъий фикрим шундан иборатки, интеграция, энг аввало, ўз салоҳияти, ўз кучи ва имкониятларига суянган ҳолдагина, ўзаро фойдали шериклик қилиш учун қурби етгандагина, такрор айтаман, ўзаро фойдали кооперация вужудга келиб, бундан барча манфаатдор томонлар наф курганидагина амалий натижа бериши мумкин.

Боқимандаликка асосланган уринишлар, ўз муаммоларини бошқалар ҳамда уларнинг ресурслари ҳисобига ҳал қилишга умид боғлаш, мажозий қилиб айтганда, ёвғон шурва ҳаммага баравар тортиладиган қуроқ дастурхон муҳайё этишга интилишлар биз учун мутлақо мақбул эмас. Энг муҳими шундаки, бундай интеграция эркимизни, мафкурасидан, дунёнинг қайси қитъасида жойлашганидан қатъи назар, биз муносабат урнаттан шериклар билан алоқаларимизни чеклаб қуймаслиги керак.

Бундан ташқари, интеграциянинг янги модели, бугунги кунда турли минбарларда тез-тез такрорлаб турилганидай, қандайдир ҳарбий-сиёсий блок тузиш мақсадига хизмат қилмаслиги лозим.

САВОЛ: Сизнинг назарингизда интеграция жараёнларини шакллантиришга асос бўла оладиган принципиал ҳоллар нималардан иборат бўлиши мумкин?

ЖАВОБ: Биз давлатлар ўртасидаги интеграция ва кооперация қуйидаги бешта шартга асосланиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, интеграцияга ихтиёрий қўшилиш, бунда давлатлар тўла тенг ҳуқуққа эга бўлиши керак. Суверенитет ва давлат мустақиллиги тўла сақланиб қолиши зарур.

Иккинчидан, ҳар бир мамлакатда утказилаётган ислоҳотлар бир йўналишда ва бир-бирига монанд бўлиши лозим. Назаримизда, сиёсий ва иқтисодий янгиланишларнинг, қонунчилик ва ҳуқуқий асоснинг турли босқичида турган давлатларнинг интеграциялашуви мумкин эмас.

Учинчидан, ҳар бир давлат, энг аввало, ўз салоҳиятига суяниши лозим. Интеграция ва кооперация жараёнларини чуқурлаштиришдан барча аввало узаро, бирбиридан манфаатдор булиши керак. Боқимандалик кайфиятининг барча кўринишларига, бировнинг ҳисобидан бошқаларнинг муаммосини ҳал этиш ниятларига барҳам берилиши шарт. Қудратли Россия бошқаларни елкасига ўтказиб, бало-қазолардан бир амаллаб олиб утади, деган хомхаёлга учмаслик керак.

Тўртинчидан, интеграция жараёнларини сунъий равишда жадаллаштиришга ҳам йўл қўйиб бўлмайди, интеграция шунчаки интеграция учун эмас, ўзини кўрсатиш, популистик ва бошқа сиёсий мақсадлар учунгина эмас, энг аввало, биз номи ва фикри билан ҳар бир ҳатти-ҳаракатимизни ниқобламоқчи бўлаётган халқларнинг фаровонлиги учун амалга оширилиши лозим.

Бешинчидан, интеграция жараёнларига мафкуравий тус бериш оқибатида давлатлар устидан қуриладиган парламентлараро, ҳукуматлараро қўшма тузилмаларни ташкил этиш, бу жараённи иқтисодий интеграция жараёнларидан олдин қўйиш ҳамда иқтисодий алоқаларнинг холисона амалга оширилишига зўғум қилиш мутлақо номақбулдир.

Аравани отдан олдинга қўйиб бўлмаганидек, сиёсатни ҳам иқтисодиётдан олдинга қўйиб бўлмайди.

Интеграция деб аталаётган бундай ҳодисанинг куч ишлатадиган, зуравонлик усуллари бизга мутлақо тўғри келмайди. Бунинг қандай оқибатга олиб келиши тўғрисида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча.

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Тошкент педагогика билим юртида таниқли болалар шоири Анвар Обиджон билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Маълумки, шоирнинг болалар учун ёзган шеърлари дарсликларга киритилган, драматик асарлари ўқув масканлари саҳналаридан кенг ўрин олган.

Учрашувни кириш сўзи билан очган билим юрти ўқитувчиси Улмас Ҳошимова шоирнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида гапирди. Билим юрти ўқувчилари Анвар Обиджон шеърларидан ўқидилар, асарларидан саҳна кўринишлари намойиш қилишди.

Учрашувда Анвар Обиджон янги асарларидан намуналар ўқиди, талабалар саволларига жавоб берди.

МУХБИРИМИЗ.

ДИЛЛАРДА ҚУВОНЧ

Ўлкамизда Навруз тантаналари давом этмоқда, давраларга файз, дилларга қувонч кирмоқда. Дастурхонлар баҳор ноз-неъматлари, таомлари билан безанмоқда.

Навоий давлат педагогика институтида ҳам Наврўзи олам тантаналари кенг нишонланди. Институт ректори Равшан Раҳмонов байрам қатнашчиларини катта шодиёна билан қутлади.

Даврада баҳор, севги, гўзаллиқни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради. Факультетлараро бадиийлашган мусобақалар авж олди. Байрам барчанинг дилига қувонч, бахтиёрлик бахш этди.

Дилрабо ЙЎЛДОШЕВА,
талаба.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЯГОНА ТАРИФ СЕТКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Одамларнинг фаровонлигини ошириш, аҳолини ишончли ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш масалалари давлатимиз бошлиғи ва ҳукуматнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори бунинг далилидир.

Президент Фармони билан 1996 йил 1 апрелдан бошлаб энг кам иш ҳақи миқдори 250 сўмдан 400 сўмгача оширилмоқда, бунда бюджет муассасалари ва ташкилотларининг ходимлари иш ҳақини ўртача 1,4 баравар ошириш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, барча турдаги пенсиялар, олий ўқув юртлари талабалари, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари стипендияларининг ўртача миқдори 1,4 баравар оширилмоқда.

Агар бугунги кунда меҳнат пенсиясининг энг кам миқдори 645 сўмни ташкил этса, 1 апреллдан бошлаб у 900 сўмга етади, яъни 255 сўм қўшилади. Худди шунингдек — болаликдан ногиронларга бериладиган нафақалар 900 сўмгача оширилади. Зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқароларга бериладиган нафақа миқдори 400 сўмдан 550 сўмгача қўпаяди. Олий ўқув юртлари талабалари стипендиялари ўртача 560 сўмдан 790 сўмгача, техникумлар ва коллежларнинг ўқувчилари стипендиялари эса 530 сўмдан 750 сўмгача ошади.

Ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш билан боғлиқ тўловлар миқдори ошмоқда. Масалан, бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун оналарга бериладиган нафақалар 250 сўмга ошади ва 600 сўмни ташкил этади, 16 ёшгача бўлган боласи бор оилаларга бериладиган нафақалар миқдори 2,2 баравар ошади ва 400 сўмни ташкил этади.

Иш ҳақи ошиши билан бир вақтда фуқароларнинг солиқ солинмайдиган даромади миқдори ҳам ойига 400 сўмдан 550 сўмга ошишини таъкидлаш муҳимдир.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида кўрсатиб ўтилган чораларни рўёбга чиқариш учун анча пул маблағлари талаб этилади, бу республика давлат бюджети ва ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан таъминланади.

Айни вақтда шуни таъкидлаш зарурки, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитларида ҳар бир ходим ва унинг оиласининг фаровонлиги биринчи навбатда уларнинг меҳнат фаоллиги, ўз малакаси ва касб тайёргарлигини оширишга, меҳнат фаолиятининг янги, янада мураккаб участкаларини ўзлаштиришга интилиши билан белгиланади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг 22 разрядига асосланган янги ягона тариф сеткаси иш ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришга, юқори унумли малакали меҳнатга ундашга йўналтирилгандир. Ягона тариф сеткаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 1996 йил 1 апреллдан бошлаб амалга киритилади.

Ягона тариф сеткаси меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ҳисобига ходимнинг ўз малакасини оширишдан манфаатдорлигини кучайтиришни назарда тутади. Янги тариф сеткасига мувофиқ тариф ставкаси сезиларли даражада ошади, турдош разрядлар ўртасидаги фарқ эса 2-2,5 баравар қўпаяди.

Масалан, олий тоифали врачнинг тариф ставкаси тоифаси бўлмаган врачнинг тариф ставкасидан 104 сўм ортиқ эди. Янги шартларга кўра уларнинг тариф ставкаларидаги фарқ 263 сўмни ташкил этади, тоифаси бўлмаган врач тариф ставкасининг ўзи 744 сўмдан 1094 сўмгача, ёки 350 сўм ошади, олий тоифали врачнинг тариф ставкаси эса 848 сўмдан 1356 сўмгача ёки 508 сўмга ошади.

Шуни таъкидлаш лозимки, янги тариф сеткасида бошланғич разряд ставкаси 400 сўмдан 550 сўмгача ошишини ҳисобга олган ҳолда барча ходимларнинг иш ҳақи сезиларли даражада ошади.

Масалан, 28 разряддан иборат бўлган амалдаги ягона тариф сеткасида 1-тоифали ўқитувчининг тариф ставкаси 11-разрядга тўғри келар ва 888 сўмни ташкил этар эди. 22 разрядли ягона тариф сеткасида бу ўқитувчининг ставкаси гарчи тўққизинчи разрядга тўғри келса ҳам, 468 сўмга қўпаяди ва 1356 сўмни ташкил этади.

Энг кам иш ҳақи қўпайиши муносабати билан илгари белгиланган барча қўшимча ҳақ ва устамалар ҳам ошади. Масалан, ўша ўқитувчи дафтар текширганлик, синф раҳбарлиги, ўқув хонасига мудирлик қилганлик учун оладиган қўшимча ҳақ миқдори ҳаммаси бўлиб 220 сўмга қўпаяди. Шундай қилиб, ушбу ўқитувчининг иш ҳақи қўшимча тўловларни ҳисобга олган ҳолда 1576 сўмни ташкил этади.

Турлича малакага эга бўлган ишчиларнинг тариф ставкалари ўртасидаги фарқ сезиларли равишда ошди. Масалан, саккизинчи разрядли юқори малакали ишчи билан биринчи разрядли ишчининг тариф ставкаси ўртасидаги фарқ 172 сўмни ташкил этар эди. Эндиликда у 510 сўмгача қўпаяди ёки деярли 3 баравар ошади. Бу ўз навбатида ишчиларни ўз малакасини оширишга ва мураккаброқ меҳнатни эгаллашга интилишини рағбатлантиради.

Бюджет ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланган янги тариф сеткаси мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотларда ҳам жорий этиш учун тавсия этилади.

ҲАМАЛ САФАРИ

Наврўз ҳар галгидек одамларимизга баҳорий кайфият улашиб кириб келди. Ана шундай муқаддас байрам арафасида Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги мактаб директорлари Риштон туманидаги 52-ҳамда Қувасой шаҳридаги 2-гимназия-мактабга ҳамал ташрифини уюштиришди. Бундан кўзланган мақсад мазкур ўқув даргоҳларидаги тажрибаларни ўрганишдан иборат эди. Мактаб директорларининг эътиборини торттан жиҳати — ушбу зиё масканларининг моддий асоси жуда пухта, ибрат олса арзийдиган даражада эканлигидир. 52-мактабда, айниқса, одоб-ахлоқ, тартиб-интизом ибратли. Шу боисдан ўқув даргоҳи 1992 йилда қурилганига қарамай, ҳали бирор марта таъмир қилинмаган.

— Янги ўқув йилини яна беш йил таъмирсиз кутиб олишимиз мумкин, — деди мактаб-директори Тошпулат Ортиқов. — Гиламчилик цехимиз бундан уч ой муқаддам маҳсулот тақчиллиги туфайли тўхтаб қолган эди. Яқинда уни яна ишга туширмоқчимиз. Пойабзал таъмирлаш устахонаси, мактаб дўкони фаолият кўрсатаётир.

«Имкон ЛТД» фирмасининг директори Набижон Маҳмудов ўз ҳисобидан 20 миллион сўм сарфлаб қуриб берган Мухтор ҳожи Маҳмудов номидаги гимназия-мактабининг синф хоналари замонавий руҳда безатилган. Бу ерда инглиз тили чуқурлаштириб ўқитилади. 11 та компьютер хонаси мавжуд.

— Келажакда ўқув даргоҳимиз ҳудудида қишки боғ, иссиқхона қурмоқчимиз, — дейди мактаб директори Райҳон Ҳакимова. — Оталиқ ташкилотимиз директори Набижон Маҳмудов эса илғор муаллимларимизнинг маошини ўз фирмаси ҳисобидан 100 фоизга ошириб бермоқчи. Булар бизнинг янада яхши ишлашимиз, ижодий изланишимиз учун рағбат бўлади.

Бешариқлик меҳмонлар сафардан катта таассуротлар билан қайтишди ҳамда риштонлик ва қувасойлик муаллимларни ўз туманларига тажриба алмашиш учун таклиф қилишди. Улар Бешариқда эътиборга молик сифат — ўқитувчиларнинг иш услуби, таълимий янгиликлар ҳамда ўқувчиларнинг билим даражаси эканлигини олдиндан алоҳида таъкидлашди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

Саховат

НАВРЎЗ СОВҒАЛАРИ

Наврўз байрами арафасида Тошкент шаҳридаги барча меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига Узбекистон Республикаси Президенти совғалари топширилди. Айниқса, Чилонзор туманидаги 23-махсус меҳрибонлик уйида бу маросим жуда шукуҳли ўтди. Ушбу меҳр масканида камол топаётган 147 нафар жажжи ўғил-қизларга Чирчиқ тикувчилик фабрикаси чеварлари томонидан махсус тикилган костюмлар ва кўйлаклар жуда ҳам ярашиб тушди. Мазкур меҳрибонлик уйида нутқида нуқсони бўлган 3 ёшдан 9 ёшгача бўлган болалар тарбияланади. 1- ва 2-синфларни шу ерда ўқишади. Бу ернинг тарбиячилари ўз касбининг ҳақиқий фидойилари, жонкуярлари. Уларнинг қалбида болаларга бўлган меҳр-муҳаббат бир дунё. Ушбу меҳрибонлик уйига моҳир ташкилотчи, меҳрибон аёл Светлана Кельдишева раҳбарлик қилади. Логопед А. А. Морозова 19 йилдан буён бор меҳрини, иқтидорини болалар тарбияси йўлида сарфламоқда. Фарида Мирсаидова, Гулхумор Холхўжаева каби тарбиячилар уззу кун болалар ёнида парвона.

Бу ерда меҳмонлар учун Наврўз байрамига бағишланган концерт намойиш қилинди. Ўзбек, рус тилларида қўшиқлар янгради, шеърлар ўқилди. Болалар яйраб рақсга тушишди.

Собир Раҳимов туманида жойлашган В. Челноков номидаги 24-меҳрибонлик уйида ҳам Президент совғаларини топшириш тантанасининг завқи ўзи бир байрамга татигулик бўлди...

Меҳрибонлик уйларида бўлиб ўтган Наврўз шодиёналарида ҳамда Президент совғаларини топшириш тантаналарида Тошкент шаҳар ҳокими муовини, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова, республика халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев ва таълим муассасалари раҳбар ходимлари иштирок этдилар.

Шу куни Президентимизга, ҳукуматимизга кичкинтойлар номидан миннатдорчилик сўзлари изҳор қилинди.

Жўрақул ИСКАНДАРОВ,
«Маърифат» мухбири.

Суратларда: Президент совғаларини топшириш маросимидан лавҳалар.

Рустам ШАРИПОВ олган суратлар.

Кўрик-танлов

БАҲОРДАН РАНГ ОЛИБ

Алишер Навоий номидаги театрнинг олд майдонида Наврўз шодиёнаси, байрамнинг нишонланиши ўзгача бўлди. Аслида баҳор — ижодкор фасл. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳам бу байрамни «баҳордан ранг олиб» шаҳар ижодкор ўқувчиларининг ижод маҳсулларини намойиш этиш билан кутиб олишди. Ушбу тадбир ташкилотчиларидан бири ТШХТББнинг тарбиявий ишлар бўйича бош мутахассиси Намоз РЎЗИҚУЛОВ бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб утказилаётган техник йўналишдаги ижодкор ўқувчиларнинг мактаблараро шаҳар кўрик-танлови ва савдо кўргазмаси, узингиз гувоҳи бўлиб турганингизидек, Наврўзга уланиб, катта ва ўзига хос байрамга айланиб кетди.

Ушбу тадбирга 19 та мактабдан ташқари муассаса (БУИМ), шаҳардаги барча мактаблар ва мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш марказлари қатнашиб, иқтидорли ижодкор ўқувчиларнинг техник моделлари, каштачилик, дурадгорлик, рассомлик ва яна бир қанча ишларидан намуна сифатида 6 мингга яқин экспонат қўйилди. 120 дан ортиқ бадиий жамоалар ва спорт мактаблари ўзларининг концерт дастурлари, варрак сайли ва турли хил халқ ўйинлари билан ўз истеъдодларини намойиш этишмоқда.

Мен савдо кўргазмасида намойиш қилинаётган экспонатлар, турли ўйинчоқлар, уй-рўзғор буюмлари, қурилиш асбоб-ускуналари, қўйинг-чи, инсон қўндалик фаолияти учун зарур бўлган турли хил буюмларни томоша қиларканман, бозори чаққон ушбу маҳсулотларнинг гўзаллигига маҳлиё бўлдим, буларни ясаган ўқувчиларнинг иқтидорига тасаннолар айтдим келди. Ва шу нарсага амин бўлдимки, сайлга чиққан ва кўргазмани томоша қилган барча-барчада болаларнинг ижодкорлигига катта қизиқиш уйғонди, айниқса ота-оналар фарзандларининг бўш вақтларини бозорлардан кўра тўгаракларда ўтказишлари фойдали ва зарур эканлигига ишонч ҳосил қилиб қайтишди...

Улуғбек ОДИЛОВ.

БОЛАЛАРНИ СЕВИНГ!..

Бир соат сабоғи

«Сизнинг наздингизда Наврўзи олам қандай байрам? Кўпчилик баҳор байрами, янгиланиш байрами дейишади. Хўш, унинг бошқа таърифлари ҳам борми?..»

Жуда қадимдан бир қатор Шарқ, хусусан, Марказий Осиё халқлари ҳаётида Наврўз янги йил кириши ва баҳор бошланиши байрами сифатида кенг нишонланиб келган.

Наврўз, асосан, табиат билан инсон ўртасидаги муносабат асосида ташкил топган ва кейинчалик байрам тусига кирган удумдир, дейилади битикларда.

Дарҳақиқат, ердаги жонланишни кўриб «Ҳамал кирди — амал кирди» мақоли такрор ва такрор хаёлимизга келади. Деҳқон ер тинглайди. Шу кундан эътиборан у ўз ҳисобини бошлайди. Қаерга нимани ва қачон, қандай экишини аниқ айтади. Турналар арғимчоғини кўриб, ё паст, ё баланд учишига қараб , хонишини эшитиб, йил мўлжалини олади...

Кўкка (кўк сомса, кўк чучвара) оғзимиз тегди, деб хурсанд бўлишади онахону отахонларимиз. Кўклар отқулоқ, ялпиз, йўнғичқа каби доривор ўсимликлардан тайёрланади. Аниқроғи, кўкда, кўкламда, она-Ерда ҳикмат кўп...

Сумалак ҳам кўклам мўъжизаси. «Илик узилди» даврида у инсонларга тақдим этилган Оллоҳ таоло эҳсони, ризқ-рўзимиз. Сумалакнинг асоси буғдой. Буғдойнинг сир-синоатлари беҳисоб. Наврўз таомлари қаторида буғдой нони алоҳида ўрин тутади. Дастурхонга кўрк бағишлайди. Тўкин-сочинлик рамзи у.

Сумалак аслида кечқурунлари пиширилади. Бунда ҳам ўзига хос ҳикмат яширин... Шундай бўлса-да сумалакни кечалари қайнатишнинг ўзгача гашти борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хотин-халажларнинг, йигит-қизларнинг гулхан атрофидаги лапарлари, айтишувлари, гурунглари саҳаргача давом этади. Қуёш зар кокиллари ёя бошлаши билан қариндош-уруғларга, дўсту ёронларга, яқин қўни-қўшниларга косаларда сумалаклар улашилади. Албатта, биринчи галда нуроний оқсоқоллар, кекса момолар кўнгли овланади. Шу аснода уларни эъзозлаш удуми юзага келади.

Сумалак сайли — меҳр-оқибат байрамига, катта тантанага айланади. Баҳонаи сабаб узоқлашган қариндошлар, қўшнилар ўртасида яқинлик пайдо бўлади. Биргалашиб сайлларга боришдан баҳраманд бўлишади. Ҳатто, Муҳаммад алайҳис салом ҳам Наврўздан завқланиб, «Биз учун ҳар куни Наврўз бўлсин!» — дедилар.

Маълумки, «Ал-аҳадис ан Наврўзия» («Наврўз ҳадислари») деб аталувчи 10 та ҳадис қадимий қўлёзмалар орқали бизгача етиб келган. Унинг учинчи ҳадисида нонни эъзозлаш ҳақида шундай дейилади:

Абу Жаъфар дедилар: «Биз Расулуллоҳнинг олдида ўтирган эрдик. Расулуллоҳ овқатланаётган эдилар. Тасодифан нимадир қасъа (катта коса)дан тушиб кетди, мен уни олиб еб қўйдим. Шунда Расулуллоҳ дедилар: «Кимда ким қасъадан ёки дастурхондан тушиб кетган нарсани олиб еса, у жиннилик, песлик ва аҳмоқликдан халос бўлади. Шунинг-дек, унинг авлодлари ҳам ранг ўзгариши (песлик), жиннилик ва аҳмоқликдан халос бўлади».

Ота-боболаримиз дастурхондан тушган нон ушоғини териб есанглар, савоб бўлади, деб бизга таълим беришган, нонни эъзозлашга ундашган. Сизлар ҳам нонни эъзозланглар, нон каби азиз бўлинглар!

Биласизларки, мактабимизга Абу Бакр Муҳаммад Закариё Розийнинг номи берилган. У Ибн Сино ва Берунийнинг илмий дунёқарашига муҳим таъсир кўрсатган олим эди.

Розий, аввало, Рай касалхонасини, ундан сўнг Бағдод касалхонасини бошқарди. У табобат тарихида биринчи бўлиб, беморларнинг касаллик варақасини жорий этди... Беморларига бошқа дорилар билан бирга нонни тавсия қилар эди. Мана улардан бири:

«Бир кишининг меъдасида бир оғриқ ва куйиб ачишиш бўлиб, юрак томонга хилтлар оқиб келар экан. Пешоби сариқ рангли эди. Устоз Розий енгил сариқ касаллиги, деди. Энди ҳар куни бир дирҳам табошир шарбатини истеъмол қилсин, овқати анор сувига ботирилган нон бўлсин, деди.»

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Энг муҳими шуки, Ҳадис парчаларидан ҳамда устоз Розий тавсияномаларидан ноннинг муқаддас неъмат эканлигига яна бир бор иймон келтирамиз.

Биз Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 127-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Роза Рўзметованинг 3-»И» синфида одобнома фани бўйича ўтказган «Ассалом, Наврўз!» деб номланган бир соатлик дарси тафсилотларини қисқа баён қилдик. Дарсда ўғил-қизларнинг барчаси фаол қатнашишди. Саҳнада арқон тортишув, «Оқ теракми, кўк терак» каби миллий халқ ўйинларини намойиш қилишди. Наврўзга бағишланган шеър ва қўшиқларни моҳирлик билан ижро этдилар.

Дарс тугаганидан сўнг муаллимани суҳбатга чорладик. Унинг оила, бола тарбияси, мактаб масалалари хусусида мулоҳаза юритиб айтган фикрлари, айниқса, маъқул бўлди. Хайрлашаётиб унга улуғ айём арафасида «Касбдошларингизга қандай тилак, истак билдирасиз», — дедик. Муаллиманинг жавоби қисқа ва лўнда бўлди: «Бола қалби мисоли оқ қоғоз. Унга нима ёзсангиз, шу қолади. Шу боис ҳамкасбларимга «Болаларни севинг!..» — деб мурожаат қиламан. Токи, улар ҳам бизни севсин! Шунда ҳаёт яна-да гўзаллашади».

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Алишер НАЗАРОВ.

Суратда: Роза Рўзметова сумалакнинг асоси бўлмиш буғдойнинг хислатлари ҳақида ўқувчиларга тушунча бераётир.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Сиртқи дарс

15. УЛУҒБЕК МИРЗО АКАДЕМИЯСИ АЛЛОМАЛАРИ

Дарснинг таълимий мақсади: Ўқувчиларни Улуғбек Мирзонинг илмий тадқиқот ишларидаги ҳамкорлари фаолияти билан таништириш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: Ўқувчиларда илм-фанга, маданий меросга меҳр, аждодлар жасоратидан ифтихор ҳиссини тарбиялаш.

Дарс режаси:

1. Қозизода Румий.
2. Ғиёсиддин Жамшид Коший.
3. Али Қушчи.

Улуғбек Мирзонинг «Зижи Жадиди Кўрагоний» асари билан танишган жаҳон фани тарихчилари асардаги илмий хулосалар салмоғини кўриб, Улуғбек Мирзо расадхонасида ҳисоблаш техникаси булган, акс ҳолда 1018 юлдуз мавқеини аниқлаш 10—15 йилнинг иши эмас, деган фикрни билдиришган. Бу муболаға бежиз бўлмаган. Расадхонада илмий иш олиб борган олимлар, дарҳақиқат иқтидорда давр ягонаси бўлганлар, десак хато қилмаган бўламиз.

ҚОЗИЗОДА РУМИЙ. Қозизода Румийнинг тўлиқ исми Салоҳиддин Мусо ибн Мавлоно Муҳаммад ибн Қози Маҳмуд бўлиб, тахминан 1360 йили Брусса (Кичик Осиё)да туғилган, у Амир Темурнинг сарой олими Мавлоно Аҳмад қўлида Самарқандда вояга етади. Фалакиёт илмига қизиқади. 1420 йили Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасаси қуриб битказилгач, Қозизода Румий шу мадрасада мударрис этиб тайинланади. У бу ерда аниқ фанлардан дарс берган. Абдураҳмон Жомий ва Мирзо Улуғбеклар унинг дарсларини тинглашган.

1424 йилдан бошлаб Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Жамшид, Муъинуддин Кошийлар билан бирга Қозизода Румий Самарқандда расадхона қурилишига фаол иштирок этади. Сўнг бу ерда тадқиқот ишларини олиб боради. Унинг қаламига мансуб қуйидаги асарлар бизгача етиб келган:

1. «Рисола фил-ҳисоб» («Ҳисобга доир рисола»).
2. «Шарҳи мулаххас фил-ҳайъа» («Астрономия асослари»га шарҳ»).
3. Шамсуддин Самарқандий (XIII асрнинг иккинчи ярми)нинг «Ашкол ат-таъсис фил-ҳандаса» («Ҳандаса илмида шакллар асоси») асарига шарҳ. Қозизода Румийнинг бу асари 1851 ва 1857 йилларда Истамбулда икки марта чоп бўлган.
4. «Рисолатул-жайб» («Синус ҳақида рисола»).
5. Саъдуддин Тафтазонийнинг «Мифтоҳул-улум» («Илмлар калиди») асарига ёзилган шарҳ.

Қозизода Румий 1436 йили вафот этди. Қабри Шоҳи Зиндададир.

ҒИЁСИДДИН ЖАМШИД ИБН МАСЪУД КОШИЙ. (Вафоти 1429). Муаррих Мирхонд уни фалакиёт илмининг пешвоси деб таърифлайди. Шоҳруҳ Мирзо ва унинг ўғли Искандар султон саройида яшаган. 1416 йилда у фалакиёт илми ва астрономия асбоблари хусусида асар ёзади. Мирзо Улуғбек расадхонаси қурилиши билан Самарқандга келади. Расадхонанинг асосий қисми — квадрант Ғиёсиддин Жамшид лойиҳаси бўйича қурилади. Улуғбек Мирзо тузган «Зижи Кўрагоний» асарининг муқаддимасини у араб тилига таржима қилади. Ғиёсиддин Жамшиднинг математикага доир асарларидан бири 1424 йили ёзилган «Рисола ал-муҳитийя» («Айлана ҳақида рисола») деб аталади. Муаллиф унда математик амаллар доирасидан чиқмай ҳисоблашни мисли кўрилмаган аниқликкача етказиш мумкинлигини кўрсатди.

Маълумки, айлана назариясининг асосида «пи» сони ётади. «Пи»нинг қийматини билмай туриб айланага тааллуқли бўлган биронта ҳам масалани ечиб бўлмайди. Олимлар «пи»нинг қийматини топишга жуда кўп уринишган. Архимед ҳам «пи»нинг қийматини топа олмаган, Фақат Ғиёсиддин Жамшид фан тарихида биринчи бўлиб «пи»нинг вергулдан кейинги 16 та ҳақиқий қийматини, яъни нисбатан энг аниқ қийматини топишга муваффақ бўлган.

Кейинчалик Ғиёсиддин Жамшид кашфиётидан бехабар ҳолда «пи»нинг аниқроқ қийматини топиш устида Ғарб математикларидан Меций, Ламберт, Виет, Гюйгенс, Лежандрлар кўп уринишган.

Ғиёсиддин Жамшиднинг математикага доир йирик асари «Мифтоҳил ҳисоб» («Ҳисоб илми калиди») дир. Асар беш китобдан иборат бўлиб, биринчиси «Бутун сонлар арифметикаси ҳақида» бўлиб, унда бином ҳадларини топиш формуласи келтирилади. Демак, бином Ньютондан анча илгари Ғиёсиддин Жамшидга маълум бўлган.

Китобда сонни илдиздан чиқаришнинг Руффини Горнер усули ҳам кўрсатиб ўтилган. Ҳолбуки бу усул фанда Ғиёсиддин Жамшиддан уч аср кейин қўллана бошланди.

Маълумки, сонни илдиздан чиқариш Ньютон биноми билан боғлиқ. Бу теорема олий математиканинг дифференциал ва ҳисоб бўлимларини яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

«Каср сонлар» деб аталган иккинчи китобда Ғиёсиддин Жамшид ўнли касрлар назариясини яратган, яъни ўнли касрлар илмий жиҳатдан тўла асослаб берилган. Унгача астрономик ҳисоблашлар олтмишлик саноқ тизимидаги каср сонлар ёрдамида олиб борилган; бу ҳол астрономия фани ривожига тўсиқ бўлиб қолганди.

Ўнли касрларнинг кашф этилиши математика билан боғлиқ бўлган фанларнинг ривожи учун кенг имкониятлар яратди.

Учинчи китоб «Астрономик ҳисоблашлар ҳақида» деб аталади. Унда илдиз топиш амалларини бажариш қоидалари тўлиқ тавсиф этилган. Бу қоидалар элементар алгебра дарсларида ҳозир ҳам ўтилади.

«Ўлчашлар ҳақида» деб номланган тўртинчи китоб геометрия ва тригонометрияга бағишланган. Ғиёсиддин Жамшид геометрияси амалиётга яқин туради. Унда узунликларни, юзаларни ва ҳажмларни ўлчаш, шунингдек, геометрия ва тригонометрияни қурилиш ишларига татбиқ этиш муфассал баён этилади. Темурийлар даври меъморчилигида қўлланилган арк, гумбаз, равоқ, муқарнас шаклларини ясашнинг математик усуллари баён этилади.

«Номаълумларни алгебраик усулда топиш ҳақида» дейилган бешинчи китобда алгебраик тенгламаларни ечиш масалалари келтирилади. Бунда фан тарихида биринчи бўлиб, тўртинчи даражали алгебраик тенгламаларни ечиш усулини беради ва бу усулни ўзи топганлигини ҳам қайд этади.

Ғиёсиддин Жамшиднинг мазкур ва «Суслам ус-само» («Осмон нарвони»), «Рисолатул-автор вал-жайб» («Ватарлар ва синус ҳақида рисола») асарлари ўша давр математика фанини юқори чўққига кўтарди.

Хуллас, Ғиёсиддин Жамшид «пи»нинг қийматидан ташқари, биномни Исаак Ньютондан, ўнли касрларни нидерландиялик Симон Стевиндан, тўртинчи даражали тенгламаларни атоқли италиялик Лодовико Ферраридан, тўртинчи даражали натурал қатор сонлар йиғиндисини француз математик олими Пьер Фермадан анча олдин билган буюк олимдир.

АЛИ ҚУШЧИ. Амир Темур даври ов қушларига қаровчи, ўргатувчи ходимлари бошлиғи Мулло Муҳаммад Самарқандийнинг ўғли бўлиб, 1404 йили туғилган. Тўлиқ исми Аловуддин Абулҳасан Али Ибн Муҳаммад Самарқандий. Унинг ёшликдан илм-фанга бўлган ихлоси Мирзо Улуғбекнинг эътиборини тортди ва у мадрасада Қозизода Румий, Ғиёсуддин Жамшид, Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад Хофийлардан сабоқ олди. У илми фалакиёт расадхонасини лойиҳалаштириш ва бунёд этишда фаол қатнашиб, бино биттач, юлдуз ва сайёралар ҳаракатини кузатди, илми фалакиётга тегишли ҳисоблашларда ғайрат ва шидоатини намойиш этди. Мирзо Улуғбекнинг Али Қушчига нисбатан меҳри, эътиқоди ўзгача эди. Ундан ҳеч қандай сирини яширмас эди. Ҳатто, нозик элчилик юмушларини ҳам унга ишонар эди. Масалан, 1438 йили Али Қушчи Хитойга элчи бўлиб борган. Сафардан қайтиб Али Қушчи Хитой тарихи ва жўғрофиясига доир асар ёзган. Бу асар XVI асрда турк тилига таржима қилинган. У Эрон, Қафқоз, Туркияда бўлиб, Мирзо Улуғбек топшириқларини бажарган. 1430 йили Ҳиротда бўлиб, ёш Абдураҳмон Жомий билан танишган, илми риёзиёт, фалсафа, илми ҳандаса бобида мубоҳаса қилганлар. 1449 йилда Мирзо Улуғбек ўлдирилгач, у бошлаган илмий кузатиш ва тадқиқотларни Али Қушчи бошчилигидаги олимлар давом эттирганлар. Баъзи тадқиқотларда Али Қушчи Улуғбек вафотидан кейин Самарқандни тарк этган, дейилган. 1972 йили атоқли шарқшунос ва матншунос олим Асомуддин Ўринбоев Али Қушчи номи зикр этилган Абдураҳмон Жомий қаламига мансуб бўлган ва 1470—1471 йилларда ёзилган учта мактубни тадқиқ этдилар. Мактубларда Ҳирот ҳукмдоридан Али Қушчи ва оиласининг чегарадан чиқиб кетиши учун йўл ёрлиғи берилиши илтимос қилинган.

Али Қушчи бир неча вақт Кирмон шаҳрида яшаган. Атрофига истеъдодли олимларни тўплаган. Низомиддин Биржандий, Қозизода Румийнинг набираси, Ҳасан Чалабийнинг ўғли Мирим Чалабийлар шулар жумласидан эди. Мирим Чалабий илми фалакиёт ва қонуншуносликда замон ягонаси эди. Илму фалакиётга доир унинг бир неча рисолалар ёзгани маълум. Жумладан, Улуғбек Мирзо «Зижи Кўрагоний»сига шарҳ ёзган.

Али Қушчи 1472 йилда турк султони Султон Муҳаммад II номига «Китоби Муҳаммадия» номли илми риёзиётга доир рисола ёзиб, тақдим этади. 1473 йилда у Турк султонига атаб «Фатқия» (илми фалакиётга доир) асарини ёзади. Бу икки асарнинг асл нусхалари бугунги кунда Истамбулдаги Айо Суфия кутубхонасида сақланмоқда.

Али Қушчи 1474 йилнинг 17 декабрида Истамбулда вафот этди. Унинг қаламига мансуб асарлардан қуйидагилар аниқланган:

1. 1417 йили Насириддин Тусий (1201—1274)нинг фалсафага доир бир рисоласини шарҳлаган.
2. 1425 йили «Рисола дар илми ҳисоб».
3. 1426 йилда риёзиётга доир «Рисолайи қусур» асарини ёзади.
4. «Рисола дар ҳандаса».
5. «Рисола фи қавойидул-ҳисобия вал-далойилул-ҳандасия».
6. «Рисола дар фалакийот» ёки «Рисола дар илми ҳайъа» деб номланадиган асари Тошкентда 1968 йили Қ. Муниров ва А. Расулов таржимасида чоп қилинди.
7. 1430 йилда «Рисолайи мантиқ».
8. «Рисолатул-муфрадия».
9. «Рисола тота алак бикуллиҳи» деган фалсафа ва грамматика.
10. Адабиёт назариясига доир «Ал-унгут вал-заваҳирфи назми жавоҳир».
11. Таниқли олим ва қонуншунос Абу Ҳанифа рисоласига шарҳ сифатида ёзилган «Шарҳи рисолайи фиқҳ».
12. «Рисолатул-муъжаз фит-тибб». Қўлёзмаси Истамбулдаги Айо Суфия кутубхонасида сақланади.

Аён бўладики Улуғбек Мирзо бошчилигида аниқ фанларнинг турли соҳаларида илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Уларнинг салмоғи беқиёсдир. Улуғбек Мирзо акдемияси аъзолари ва уларнинг илмий тадқиқотларини ўрганиш эндигина бошланди. Сиздек уларнинг муносиб авлодлари бу ишни кенг қўламда қанот ёйишига саъй-гайрат кўрсатишига имонимиз комил.

Наим НОРҚУЛОВ,
тарих фанлари номзоди.

Сафар таассуротлари

АҚШ: МАОРИФДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИК

Таълимни такомиллаштириш ва уни ривожлантириш омилларидан бири бу ° жаҳон таълим тизимида тажрибаларни ўрганиш, ўзаро ҳамкорлик ишларини равнақ топтиришдир. Шу мақсадда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳам ер юзидаги кўпгина мамлакатлар, таълим тизимлари билан алоқа боғлаб, амалий ҳамкорлик фаолиятини рўёбга чиқараётир. Американи-нг АКСЕЛС ташкилоти билан тузилган шартнома асосида ҳам сўнгги тўрт йил давомида бир қатор амалий ишлар йўлга қўйилди. Яқинда ана шу ташкилотнинг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим Бош бошқармасининг бошлиғи Гуландон Яҳёевна АЛИМОВА Америка Кўшма Штатларида бўлиб қайтди. Шу муносабат билан мухбиримиз унга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Аввало, сизни ва бошқармангиз жамоасини ўлкамизда ўтаётган Наврўз байрами билан қутлаймиз. Халқимизда Наврўздаги хушкайфият, таассуротлар ва ниятлар эзгуликка элчи бўлади, дейишади. Ана шу маънода сиз яқинда АҚШда бўлиб, бой таассуротлар билан қайтдингиз. Сизни олис мамлакатга таклиф этган ташкилот тавсифи, сафарнинг асосий мақсади ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Тўғри таъкидладингиз, чиндан ҳам биз маорифчиларнинг ҳар бир сафаримиз таълим равнақига, унинг истиқлол ривожига хизмат қилиши керак. АҚШ сафарим таассуротларидан ҳам мен шундай хулосага келдим. Яна шуни алоҳида қайд этаманки, энг аввало, олис юртда Ўзбекистон халқ таълимининг вакили сифатида мустақил Ватанимиз билан чексиз фахрландим, уни жаҳон таниётганидан ва тан олганлигидан қалбим ғурур-ифтихорга тўлди.

Сафаримнинг сабабчиси АКСЕЛС ташкилоти таклифидир. Сизга яхши маълумки, АКСЕЛС — Американи-нг таълим ва тил ўрганиш ташкилоти бўлиб, у ўз фаолиятини таълимни ривожлантириш, педагогика фанини такомиллаштириш, ўқитувчилар касб маҳоратини ўстиришга йўналтиргандир. Бу ташкилот Россия Федерациясида, бир қатор МДҲ давлатларида ҳамда Марказий ва Шарқий Европада, Осиёда жуда фаол ҳаракат қилаяпти.

Тижоратга оид бўлмаган АКСЕЛСни давлат, шунингдек, таълимга ҳомийлик қилувчи бошқа ташкилотлар маблағ билан таъминлайдилар. Ташкилотнинг бир қанча дастури бўлиб, бу дастурлар орасида ўқувчилар, талабалар, ўқитувчилар ва олимларни алмашиш йўли билан таълим ва тилни ўрганишни ташкил этиш ишлари алоҳида ўрин тутади.

Республикамиз Халқ таълими вазирлиги АКСЕЛС ташкилоти билан бир неча йилдан бери шартнома асосида ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқда. 1996 — 1997 йиллар учун тузилган шартнома эса мен Вашингтонда бўлган даврим-да имзоланди. Уни АКСЕЛС ташкилоти номидан унинг бош директори Ж. Девидсон имзолади.

Вашингтонда бўлган кунларимда АКСЕЛС дастури қатнашчиларининг минтақавий (регионал) конференциясида қатнашдим. Бу анжуманга таклиф этилганлар орасида Россия Федерацияси, Молдавия, Қирғизистон, Туркманистон ва бошқа давлатларнинг вакиллари ҳам бор эдилар.

— Конференцияда қандай масалалар муҳокама қилинди? Хусусан минтақавий этнопедагогик хусусиятларга ҳам эътибор қаратилдими? Бу масалада сиз қандай таклифларни ўртага ташладингиз?

— Конференцияда ўқувчиларни танлаш муаммоси кенг миқёсда муҳокама этилди. Мутахассислар ва тегишли давлатлардан келган вакиллар бу борадаги ютуқ ва муаммоларни, ечими топилиши зарур бўлган масалаларни қайд этдилар.

Ўқувчиларни чет элдаги таълимга йўллашда уларнинг инглиз тилини мукаммал билиши ҳақидаги талаб билан бир қаторда яна иқтидорлилик, ошкоралик, турли шароитларга тез мослашуви, синчковлиги, турли вазиятларда ўзини тута билишлиги ва иродалилиги, ўз атрофидагилар билан самимий муносабатда бўла олиши, ҳазил-мутойибани тушуниши, қизиқувчанлиги сингари шахсий хусусиятларига ҳам алоҳида эътибор берилади. Бошқача қилиб айтганда, чет элда таълим олиш учун юбориладиган ўқувчининг ўзи борадиган давлатда бир йил давомида бегона оилада яшай олиши учун зарур бўлган сифатлар ўрганилади.

Бироқ танловдаги бу шартлар минтақавий жиҳатдан тўлиқ эмас. Шу боисдан конференцияда биз ўқувчиларни танлаш давомида Марказий Осиё минтақасининг, яъни бизнинг минтақанинг этнопедагогик хусусиятларини, Ўзбекистон миллий мактабларининг ўзига хослигини ҳисобга олишни қайд этдик. Уларга бизнинг мактабларимизда ўқувчиларга ёшлигидан бошлаб катталарни ҳурмат қилиш хислатларининг сингдирилиши, шунингдек, бизнинг ўлка болалари одобли, камтар эканликларини ҳисобга олиш зарурлиги юзасидан таклифларимизни баён қилдик. Фикримизча, бизнинг ўқувчиларимизнинг ўзига хос хусусиятларига эга эканлиги махсус варақа тўлдиришда ва танловни ўрганиш жараёнида инобатга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Махсус варақалар, анкеталарни ўқиш ва таҳлил этиш иши жиддий масаладир. Бу ишга идеолог-эксперт, социолог-методистлар жалб этилган нуфузли комиссия томонидан махсус варақа икки марта кўриб чиқилади ва таҳлил этилади. Буни биз анжуман иши жараёнида муфассал билиб олдик.

— Ўзбекистонлик ўқувчиларнинг АҚШда билим олиш жараёни қандай кечади? Улар ўқиётган таълим муассасаларидаги таълим-тарбиявий жараёнлар хусусидаги фикрларингиз.

— Ўзбекистонлик ўқувчилар бир йил давомида АҚШ мактабларида билим оладилар. Улар шу даврда Америкадаги таълим тизими билан танишадилар, компьтерда ишлаш бўйича амалий малака ҳосил қиладилар, жаҳон иқтисоди асосларини ўрганадилар, уларнинг Америкача инглиз тилида сўзлашиш нутқлари такомиллашади. Бизда «American English» бўйича дарслик, қўлланма, сўзлашгичлар амалда йўқлиги ҳисобга олинса, қисқа вақт ичида мазкур тилни эгаллаш қийин эканлиги ўз-ўзидан маълум бўлади.

Сафарим давомида мен, инглиз тили мутахассиси бўлсам-да, америкача инглиз тили хусусиятларининг мураккаблигини етарлича даражада сезиб турдим.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, АКСЕЛС дастури орқали америкаликлар мустақил Ўзбекистон ҳақида, унинг халқи, маданияти, турмуш тарзи, анъаналари, ёш давлатнинг иқтисодий ривожланиш одимлари ҳақида билиб бормоқдалар. Ўзбекистонлик ўқувчилар бу вазифани муваффақиятли бажаришмоқда, деб айтиш мумкин. Масалан, АКСЕЛС томонидан Вашингтонда уюштирилган учрашувда мамлакатимиздан бу ерга бориб ўқиётган бухоролик Санжар Отаев, андижонлик Эльмира Чауш, фарғоналик Лена Мухамедшиналар иштирок этишди. Ўзбек ашула ва куйлари эшитилди. Америкада Ватанимиз тилида шеър ва қўшиқлар янгради...

— Америка мактабларида ҳам бўлдингизми?

— Ҳа, сафар давомида Флорида штатининг Талахаси шаҳридаги мактаблар, университетларда дарс жараёнларини ташкил этиш билан танишдик. Бу ерда, энг аввало, таълим муассасасидаги тартибнинг намунали эканлигини қайд этиб ўтиш лозим. Мактабларда ҳаттоки танаффус пайтларида ўқувчилар оҳиста гаплашишади, интизомга қатъий риоя қилинади. Агар бирор ўқувчи мактабга келмай қолса, дарҳол бунинг сабаби аниқланади.

Кутубхона АҚШ мактабларидаги барча таълим-тарбиявий жараёнларнинг маркази эканлигини аниқ билиб олдик. Бу ерда китоблардан фойдаланиш эркинлиги мавжуд. Кутубхонада мавжуд бўлган механик воситалар, аудио-видео кассеталаридан ўқувчилар бемалол фойдаланадилар. Улар учун дунё воқеалари, янгиликлар билан танишиш имконияти ҳам бор. Ҳаттоки, айрим дарслар кутубхонанинг ўзида ўтказилади.

Ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатлар эътиборга сазовордир. Болалар тўла мустақилликка эга. Ўқитувчи томонидан улар «ушлаб» турилмайди. Ўқув предметини, топшириқларни танлаш ҳам ўқувчилар ихтиёрида.

Дарс жараёнида синфларда ижодий муҳит яратилади. Бунда ўқувчилар мустақил ҳаракат қиладилар: хоҳлаган пайтларида муаллим ҳузурига келиб, қизиққан масалаларини аниқлашлари, савол билан мурожаат қилишлари мумкин. Таълим жараёнида айрим предметларни чуқур ўрганиш мақсадида ҳар бир синф икки гуруҳга бўлинади. Бунда ўқувчиларнинг билимлари мунтазам қайд этиб борилади, умумлаштирилган ҳолда таҳлил этилади.

Ҳар бир мактабда махсус китоб — кенгайтирилган мактаб устави бўлиб, унда барча ҳуқуқлар, мажбуриятлар, тартиблар аниқ қайд этилган. Уларни бажариш мажбурийдир. Бу махсус китоб чиройли безатилган бўлиб, унда ўқув муассасасининг сўнггги пайтлардаги фаолияти таҳлили, муҳим саналар календари, ҳар бир синфда топшириладиган зачетлар рўйхати ҳам акс этган. Шунингдек, ҳар бир ўқувчининг шахсий режаси бўлиб, у шу режа бўйича шуғулланади ва тўрт семестр давомида билимлари зачетлар орқали аниқланади.

АҚШ мактабларида тарбиявий иш мустақил фаол шахсни, ўз ватанининг ҳақиқий гражданини тарбиялашга қаратилган. Буни ҳар бир синф хонасида миллий байроқ қўйилганлиги, ҳаттоки, дафтар ва китобларни ўрайдиган қоплама қоғозларга ҳам АҚШ байроғи тасвири туширилганлигидан ва шунга ўхшаш қатор рамздан билиб олиш мумкин.

— Мамлакатимиздан олис юртга бориб ўқиётган ўғил-қизлар ҳақида америкалик педагогларнинг фикр-мулоҳазалари ҳақида ҳам ўз таассуротларингизни икки оғиз баён қилсангиз.

— АҚШ мактабларининг афзалликларини эътироф этиш билан бирга мен Ўзбекистон таълим тизимининг айрим афзалликларини ҳам бу ўринда қайд этишни лозим топаман, албатта. Ўзбекистонлик ўқувчиларимиз математика, химия, физика, инглиз тилидан аъло даражада билимга эга эканликларини америкалик педагоглар таъкидлаганликлари кишини қувонтиради. Уларнинг ўқишга қизиқишлари, одоб-ахлоқлари, қобилиятлари муаллимларни ҳам, улар яшаётган оиладаги ота-оналарни ҳам мамнун этаяпти. Масалан, Тошкентдан ўқишга юборилган Қодир Норов ҳақида у ўқиётган мактаб ўқитувчилари, раҳбарлари яхши фикрлар айтишди. Қодир ўқишга тиришқоқ, спорт турлари билан ҳам қизиқади — теннис ўйнайди, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, иқтисодиётдан яхши билимли эканлигини таълим жараёнида намоён этаяпти. Қодир Норов америкаликларнинг оддий оиласида яшайди. Бу оиланинг бошлиғи — архитектор. Унинг рафиқаси икки нафар бола тарбияси ва уй-хўжалик ишлари билан шуғулланади, Қодир эса оиланинг иккинчи фарзанди билан битта мактабда ўқийди. Умуман, ўзбек ўқувчисига эътибор яхши.

Бир сўз билан айтганда, Америка мактабларининг тажрибалари, таълимдаги самарали усуллар ўрганишга ва ижодий қўлланишга лойиқ. Янгиланиш йўлидан бораётган халқ таълимимизнинг ислоҳотида бундай тажрибалар, ҳамкорлик натижалари асқотади ва миллий мактабимиз ривожида имкониятлар яратади, деб ўйлайман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатдош
М. РАҲМОНОВ.

Қутлов

ИҚБОЛИНИ МАКТАБДАН ТОПГАН АЁЛ

«Сирғали—7» мавзесида 10 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Шу пайтгача ана шундай катта ҳудудда бор-йўғи битта мактаб бор эди. «5—6» мавзелар қурилиб, аҳоли кўпайиши билан бундан икки йил бурун яна битта мактабга пойдевор ташланди. Маблағ тақчиллиги туфайли қурилиш маълум бир муддат тўхтаб қолди. Ўтган йил баҳорида унга яна «жон кирди». Ва 1995 ўқув йилида фойдаланишга топширилди.

Фойдаланишга топширишга топширилди-ю, лекин уни «сон»га киритиш учун ҳали анча тер тўкилиши керак эди. Тўрт устун кўтарилиб, ёпилган билан у дарров мактаб бўлиб қолмайди-да, парта керак, стол-стул, хоналар учун махсус жиҳоз, ўқув қуроллари, янги жамоа... Шу боис янги мактабга бош бўлиб келишга дастлаб ҳеч ким интилмади. Бир-иккита тажрибали директорларга оғиз солиб ҳам кўрилди. Ким иссиқ жойини совуқ қиларди, дейсиз. «Йўқ, бўлмаса кетамиз...?» дейишди.

Янги ўқув йилига бир-икки ой қолганда 317-ўрта мактабга Мавжуда Аҳмедова директор бўлиб келар эмиш, деган хабар тарқалди. Кўплар бунга аввал ишонишмади: «рози бўлмаса керак» деб ўйлашди.

Тўғри-да, мактабда директор бўлса, ўзини ғалвага солиб нима қилади: «оч қорним, тинч қулоғим» эмасми...

Йўқ, «миш-миш»лар тўғри чиқди. Мавжуда Аҳмедовна 317-ўрта мактабга директор этиб тайинланди.

...Бир куни Сирғали туман халқ таълими бўлими мудири Тўлқин Султонов Мавжуда опани ҳузурига чорлади:

— Янги мактаб қурилаётганидан хабарингиз бўлса керак, — деди босиқлик билан Тўлқин ака. — Ўйлаб-ўйлаб, директорликка сизни лойиқ топдик. Тўғри, қийин бўлади. Ҳар қалай янги, синашта бўлмаган жой. Лекин уни сиздан бошқа ҳеч ким эплолмайди. Биз сизни ёлғиз қолдирмаймиз. Нима керак бўлса эшигимиз очиқ, марҳамат, кираверинг. Лекин йўқ, демайсиз...

Мавжуда опа иложсиз қолди: «йўқ», деёлмади. Уни лойиқ кўришган экан, ноилож...

— Хорижга саёҳат қилиб келишга тайёргарлик кўриб юргандим, — дейди Мавжуда опа. — Шу мактабни деб қолдим. Хориж қочмас, бир кун келиб, насиб қилса, борармиз, деб ўйладим.

Мавжуда опанинг янги жойга ишга келмасдан бурун ўйлаганлари ҳолва экан. У жуда қаттиқ тер тўкиб ишлаш кераклигини мактабга келгандан кейин англади. Лекин чўчимади. Янги мактаб — янги рўзгордай гап. Бир товуққа ҳам сув, ҳам дон керак бўлгандай, янги мактабга ҳам бир дунё нарсалар лозим бўлади.

Уни аввалги сафдошлари, ҳамкасблари ҳам ёлғиз қолдиришмади: ёнма-ён идорамаидора юриб нарсалар ташишди. Рўзғор ғор, деганларидай, янги мактаб ҳам ундан қолишмас экан. Икки мингга яқин болага парта, доска, кабинетлар учун янги жиҳозларни топиш ва ташишнинг ўзи бўлмайди-да.

— Ана шу ҳудуддан Олий Мажлис депутатлигига сайланган очиқ турдаги «Мебель» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Алижон Қирғизбоев мактабимизга катта ёрдам берди, — дейди Мавжуда опа. — Мактаб учун керак бўлган жиҳозларни, асосан, ана шу корхонадан олдик. Уни йиғиш, жойлаштиришда ҳам мазкур корхона ишчилари яқиндан кўмаклашди.

Ҳозир мактабда қарийб ҳамма нарса муҳайё этилган. Рус ва ўзбек синфлари бор. 1 минг 800 дан зиёд талаба таҳсил олади. Уларга 120 га яқин малакали ўқитувчилар бош-қош бўлишаяпти. Ойлик маош ўз вақтида етказиб берилаяпти.

— Мактабни нафис санъат лицейига айлантириш ниятимиз бор, — дейди мактаб директори М. Шералиева. — Аввал бир-икки йил тайёргарлик кўрамиз. Ҳамма нарсани тахт қилиб қўйганимиздан кейин ўтамиз. Лицей-лицей, деган билан лицей бўлиб қолмайди-да. Унга босқичма-босқич эришиш лозим. Аксинча, қийналиб, аро йўлда қолиб кетиш ҳеч гап эмас.

Мавжуда опа одатига мувофиқ етти ўлчаб бир кесади. Янги ишга қўл урмоқчи бўлса, аввал шу соҳанинг заҳматини чеккан кишилар билан кенгашади. Кўпчилик маъқул топса, кейин уни бажаришга киришади.

Мавжуда опа бу йил 50 ёшга қадам қўйди. Маориф соҳасида эса 30 йилдан бери бекаму кўст фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бир соҳада, айниқса, ўқитувчиликда 30 йил меҳнат қилишнинг ўзи бўлмайди. Ўқитувчилик сермашаққат ва шарафли касб. Унинг ўзига хос оғирлиги, ташвиш ва қувончлари бор. Халқ иборaси билан айтганда уни чидаганга чиқарган.

Мавжуда опа 1962 йил ўрта мактабни тугатгандан сўнг Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг тарих-география факультетига ўқишга кирди. 1967 йилдан буён ўқитувчи, илмий мудир, мактаб директорлигигача бўлган йўлни босиб ўтди. Унинг ҳалол меҳнатлари ҳукуматимиз назаридан четда қолмади: 1986 йил Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи унвони берилди.

Мавжуда опанинг оиласини ўқитувчилар сулоласи, дейишади. Қизлари Муҳайё, Малика, Машкура, келини Назирахонлар опа изидан боришаяпти.

— Мен барча нарсаларга ана шу касб орқасидан эришганман, — дейди Мавжуда опа. — Шу боис касбимдан нолимайман. Ўқитувчилик — энг ҳалол касб. Мен ҳозир мактабларда энг фидойи, ватанпарвар кишилар меҳнат қилаяпти, десам ишонаверинг. Уларга ҳар қанча таъзим қилсак арзийди.

Мавжуда опа ёлғиз эмас. Бағрида 150 кишилик катта оиласи бор.

— Мен ўзим ишлаётган мактабни Г. Шавалиева, Ё. Абдуллаева, Ю. Турахонова, Т. Иванова, С. Мансурова, Б. Ҳасанова, М. Абдуллаева, Ли Агафева ҳамда С. Комиловаларсиз тасаввур қила олмайман. Улар менинг қанотим, опа-сингилларимдир. Уларсиз мактаб мактаб эмас, — дейди Мавжуда опа.

Мавжуда опадан: «Ростини айтинг, бахтлимисиз», деб сўрадик. У киши ҳеч иккиланмай, юзида табассум билан «ҳа!» деб жавоб қайтарди.

Бундан ўзга яна нима керак...

Ислом ХУДОЁРОВ,
журналист.

Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллиги

НАЖОТ МАЪРИФАТДАДИР

Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига биноан бу йил мамлакат миқёсида Абдурауф Фитрат (1886 — 1938) таваллудининг 110 йиллигини нишонлаш маданиятимиз тарихида улкан воқеадир. Фаннинг жуда кўп соҳасида қалам тебратган улуғ шахс Фитрат миллатимиз келажаги бўлмиш ёш авлоднинг тафаккури тараққиёти учун ҳам катта хизматлар қилди. Бир сўз билан айтганда, у яратган асарларнинг мағзи-мағзида Туркистон ва миллат тақдири, келажаги, эрки ва мустақиллиги масалалари устиворлик қилади.

Асримиз бошидаги жаҳоний талотўплар, Октябрь тўнтариши, большевикларнинг зўравонлик сиёсати оқибатида бутун Туркистон оғир ва аянчли кунлар кечирди. Зулм ва зўравонлик кучайиши натижасида ўлкада жадидчилик, яна сўнгроқ озодлик ҳаракатлари юзага келди. Жадидларнинг миллий руҳини янгилаш, барча соҳада ислоҳотлар ўтказиш, Туркистонни ҳур ва озод этиш ғояларини бойитиш ва амалга оширишда Фитрат ҳам мислсиз хизматлар қилди.

«Ҳар бир миллат тараққиёти учун илм асосий сабабдур», деб билган донишманд Фитрат миллат болаларини мактабданоқ иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, ватанга садоқат руҳида тарбиялашни ният қилиб Беҳбудий ва Ҳамзалар қатори дарсликқўлланмалар ёзди.

Фитратнинг 1917 йил «Ибтидоий синфларининг сўнг синфлари учун» ёзилган «Ўқув» (Боқу) дарслиги ўз тузилиши, болаларнинг миллий руҳияти ва педагогик талабларига мослиги, фикрлашга чорлагувчилик фазилати билан алоҳида қимматга эгадир. Мухтасаргина «Ўқув» қўлланмаси кичик-кичик ибратомуз ҳикоятлар ва тамринлар (топшириқ)дан таркиб топган. Ватан, миллат, она, улуғ аждодларга муҳаббат туйғусидан тортиб еру кўкнинг турфа сирларигача, Имом Ғаззолийдан тортиб Американинг кашф этилишигача, илмнинг фойдасию илмсизликнинг фожеий оқибатигача бўлган кўпгина сабоқ бўларли тарихий воқеаларни ёшлар қалби, шуурига сингдиришга ҳаракат қилинган. Услуби туркона, мақсад аниқ ва лўнда ифодаланган, моҳиятан шахс камолотига йўналтирилган.

Хуллас, донишманд элимизда бир гап бор: Қирқ эшитгандан бир кўрган афзал. Азиз ўқувчи, Фитрат мамлакат ва миллат келажаги, истиқбол ва истиқлолининг бутун нажотини маърифатда деб билган буюк шахс. Шу боис, ўшал нек ният йўлида яратилган «Ўқув» дарслигидан айрим парчаларни сизнинг ҳукмингизга ҳавола этишни фарз билдик.

Илҳом ҒАНИЕВ,
Халқаро Яссавий мукофотининг лауреати.

Фитрат

ТИРИШГАНЛАР ОЧУНИ

Яхшибой кентнинг оқсоқолидур. Ўғуз деган бир кичик ўғли бор. Бир кун намоздан чиқиб боқ-қа кирдилар. Яхшибой Ўғузнинг қўлини олди. Ёғочлар узра учишиб юрган бол ариларни кўрсатди (ва) дедиким: — Ўғлим, мана буларни кўр, бизга бол ясаб бермак учун керак бўладиган нарсаларни ахтариб юрийлар. Мана шу қушларни кўр, бола-чақалари учун ем ахтарадилар. Озгина юқорироққа кўз сол: еллар булутларни ҳайдаб кетадилар, булутлар экинларимизни суғормоқ учун қуёш даҳл чиқди. Шу йўлга ҳам қарагил! Бу ҳўкизлар еларимизни сурувга (ҳайдашга) кетадилар, бу отлар юкларимизни ташийдилар. Бу киши экинчидир, ерларимизни экарга кетди, бу кимса тегирмончидир. Буғдойларимизни ун қилишга борадур.

Оёқ остига ҳам озгина боқ! Бу қумурсқаларни кўр: қиш озуқаларини тўплаб турибдилар. Ман дахи ярим соатдан кейин ўз ишимга кетаман. Ўғлим! Очун (дунё) — тиришганлар очунидир. Шунча одамлар, ҳўкизлар, отлар, еллар, булутлар, арилар, қумурсқалар тиришгандан кейин, сен тиришмай ўтирсанг тузукми?! Яхшибойнинг бу яхши сўзларидан Ўғузнинг ўктамлиги қўзғалди (ва) дедиким: — Йўқ, отажоним, мен ҳам тиришурман. Буюринг, қандай тиришайин? Йўл кўрсатинг.

— Яхши ўқишга тириш, ўғлим. Сўнг Ўғуз чопиб уйга кирди ва китобларини олиб ўқурга кетди. Қаерга кетди, биласизми? Мактабга.

ТАМРИН (машқ): Бол нимадан бўлур? Булутларни ким ҳавода ҳайлаб юради? Яхшибой бошқа ишларни қўйиб нега Ўғузни ўқишга юборди?

ФАННИ БИЛГУЛАРДАН. ЕР.

Муаллим афанди бир куни дарсга киргач, болаларни кўздан кечирди ва Тўхталмиш афандини турғизиб сўради: — Ўғлим, жуғрофия ўқидингизми?

Тўхтамиш: Ўқидим, афандим.

Муаллим: Устида яшадигимиз (яшаётганимиз) ва гирдигимиз (гирдимиздаги) нарсага нима дейилади?

Тўхтамиш: Ер дейилади, «арз» дейдиганлар ҳам бор.

Муаллим: Офарин, ўғлим! Ернинг шакли қандай?

Тўхтамиш: Тарвуз каби лўнда-дир, афандим.

Муаллим: Кўп яхши. Бутун ер юзи шу бизнинг ўлкамиз каби қуруқми?

Тўхтамиш: Йўқ, афандим, ернинг учдан бири қуруқлик бўлиб, учдан иккиси сувдан ташкил топган.

Муаллим: Ернинг учдан иккисини қоплаб олган ўшал сувларга нима дейилади?

Тўхтамиш: Баҳри муҳит, дейилади, афандим.

Муаллим: Офарин, ўғлим! Сиз ўтиринг Энди, Иноқ афанди, сиз туринг.

Иноқ афанди ердан қалқади (жойидан турди).

Муаллим: Ернинг қуруқлик бўлган учдан бирида ҳам сув борми?

Иноқ: Бор, афандим.

Муаллим: Неча турли сув бор?

Иноқ: Икки турли сув бор: бири оқадиган сувлардирки, кичкинасига «ариқ» ва каттасига «наҳр» дейилади. иккинчиси оқмайдиган сувлардирки, «кўл» дейилади.

Муаллим: Бошқаси-чи?

Иноқ: Бизнинг ўлкада ҳар шаҳарнинг ҳар маҳалласида бир сув кўлмаги бордур. Бу ҳам кичкина кўлларга ўхшайди, буларга «ҳавз» дейилади.

Муаллим: Кўп яхши! Бизнинг ўлкадаги наҳрларнинг отини айтинг.

Иноқ: Амур, Зарафшон, Сирдарё наҳрлари.

Муаллим: Офарин, ўғлим! Ўтиринг энди.

ТАМРИН: Ер нима? Баҳри муҳит нима? Наҳр нима? Кўл нима?

ТИЛАНЧИ БОБО

Қишнинг қорли бир куни эди. Муаллим афанди дарс учун келиб еринда (жойида) ўтирди (ва) дедиким: — Неча кундан бери сизларга гапириб келаётирман. Сиз гапирмай ўтирибсиз. Бугун сизлар гапирингиз, мен тинглайин. Ҳай, энди Турғунбек шу кун ўрамда (маҳаллада) нима кўрган бўлсанг, бизларга англат!

Турғунбек еридан қалқиди ва муаллимга қараб юксак (баланд) товуш билан айта бошлади. Дедиким: — Шу эрта билан уйдан мактаб сари неча одим отгач, ўрамизни бошида қорлар ичида букилиб ўтирган оқ сочли, йиртиқ чопонли, учуқ тусли қари бир тиланчини кўрдим, совуқдан титрайди, ҳолига ажиргандим (ачиндим), ёнига бориб дедим: — Бобожон! Бу ерда нечун ўтирибсиз? Эрта билан ким ўтиб сизга ақча берур? Совуққа чидаёлмай касал бўлурсиз. Уйингизга кетиб, исиниб ўтирсангиз, яхшироқ эмасми? Бобо бошини қондириб (кўтариб): — Оҳ, ўғлим! — деди. — Мен болалигимда сен каби ўқимадим. Тунаш мактабидан (интернатдан) қочдим. Отам ўлди, ундан кўп ақчалар қолди. Бирор дўкон очиб ўтирмадим. Ақчаларни ёмон йўлга сафладим. Ақчалар битганидан сўнг бирон бой кишининг қўлига кирмасдан, уйимни, еримни сотиб, ея бошладим, ер билан уй ақчалари дахи битди. Эгнимдаги шу кийимлардан бошқа нарсам қолмади. Ўзим дахи ишдан чиқиб қариб қолдим. Тиланчиликдан ўзга бир иш тополмадим. Уч ойдан бери кундуз (куни) тиланчилик қилиб, кеч тўғри келган ўроликда ётиб турибман, уйим йўқдир. Бобонинг бу сўзларидан юрагим ўртаниб кетди. Қопчиғимда бир танга бор эди, чиқариб бердим. «Кичиклигида ўқурга тиришмаганлар қарилигида ўрамда (гузар-кўчада) қолур эканлар» деб, чопиб мактабга келдим. Муаллим афанди Турғунга бир офарин берди.

ТАМРИН: ...афандий! Мизларингиздан (стол-парталарингиздан) туриб Турғун айтган ҳикояни айтиб беринг.

Ўрамларда (маҳаллаларда) кўпроқ учраб юрдигимиз (учратиб юрадиганимиз) ўловлардан бири отдир. Уни, албатта, танийсиз. Бутун инсонлар учун кўпроқ осиғли (фойдали) бўлган ҳайвон, албатта, отдур. От эгасини кўп севади, сўзини англайди, эгаси нима деса, уни қиладир. Биз ўзбекларнинг эскироқ ва тўғрироқ йўлдошимиз отдир. Неча минг йиллардан бери оталаримизга йўлдошлик қилиб келимишдир. Урушда яраланган бекаларимизни ёв олдидан олиб қочдигини (қочганини) кўп китобларда ўқиб турибмиз. Йўлда қароқчиларга учраган бойларимизни қоча қутқарганини анча оғизларидан эшитиб юрибмиз. От эгасини ёлғиз кўтариб юрмамиш, керакли чоғларда уни ўлимдан дахи қутқарарга тиришар. От йигирма беш-ўттиз йил яшар. Яхшироғи араб ва турк ўлкаларидан чиқар. Оталаримиз ўз отларига миниб «урхо»! деб ўлкадан-ўлкага чопарканлар ва шу йўлда ерлар олиб, хонликлар қурар эканлар. Биз дахи ўшал ботир туркларнинг ўғиллари эрурмиз. От минайлик, от севайлик, от боқайлик.

ТАМРИН: От неча йил яшар? Отнинг яхшиси қайдин чиқар? Отнинг фойдаси борми?

ЮРТИМИЗ, АРСЛОН БИЛАН БОТУР

Тонг отардан ярим соат бурунроқ боғдаги катта хўрознинг қу... қу... қу дебон туташмасидан уйғондилар. Бу икки қардош яхшигина ақлли, эсли ўғлонлар бўлдоқларидан (бўлганликларидан) ярамас бола каби уйғондиқдан (уйғонгандан) сўнг ётоқ узра ўйлаб ўтирмаюб (ўтирмай) чопиқ ерлардан турдилар, қўл-юзларини ювдилар, мачитта бориб намоз қилгандан кейин эшик ёнидаги ҳавзнинг олдига бориб ўтирдилар. ...Ярим кечадан бери қўш ҳайдамак учун ёбонга кетган севикли оталари Ҳасан бобо эсларига келиб қолди. Арслон: — Тур, Ботир! Арслон: — кетамиз! Ботир: — Қаерга? Арслон: — Отамга салом бериб, қўлини ўпиб келамиз. Ботир: — Ҳайда, кетдик.

Икки қардош бирдан туриб ёбон сари югурдилар, чопдилар. Ҳасан бобо эндигина намозини ўқиган ва қиблага қараб ўғиллари учун дуо қилиб ўтирган эди. Иккигина ҳўкизи бобонинг дуосига омин деб турган каби ёнида бошларини эндириб (эгиб) турган эдилар. Шучоғда Ҳасан бобонинг қулоғига Арслоннинг «салом» товуши келди. Бошини кўтарди.

Ҳасан бобо: — Валайкум-ас-салом, боракалло, ўғлонларим, ана шундай эрта билан турсангиз, сизларни дуо қилурман. То Карим иккалангизга ҳам узун умр билан катта давлат берсин. Арслон билан Ботир севгили оталарининг қўлларини олиб ўпдилар. Ҳасан бобо ўғилларининг бунча одобли бўлганларини кўргач, кўзлари севинч ёшдан тўлди. Ҳақларига кўпдан-кўп дуо қилди. Икки қардош оталарининг дуосини олгандан сўнг уйга кетмоқчи бўлдилар. Яна йўлга тушдилар... Ўнг қўлдан «Вой, тангрим» дебон бир товуш келди, қарадилар. Қуриган ёғочнинг қўланкасида йиртиқ бир чопонни юзларигача тортиб ўтирган ва эҳтимолки, қаттиқ истма тутган бир хотинни кўрдилар. Йўл узра ётиб қолган кимсасиз бир хотинни кўриб, сўрашмасдан, кўмак этмасдан ўтиб кетмак ўзбек элининг юрагига сиғарми? Албатта, сиғмас! Икки қардош бориб хотинни турдилар. Арслон: — Онажон, қаерлик бўласиз, нима бўлди сизга? — деб сўради. Бечора хотин куч билан бошини озроқ кўтариб «оҳ» деди. Бошини сақлолмай яна йиқилди. Арслон: — Онажон! Нима бўлди сизга? — деб сўради. Бечора хотин деди: — Ув, болам, кўрмадингми? Йўлда тушиб қолган кимсасиз бир хотин эрурман, сўраб нима қилурсан? Арслон: — Онажон, бирор ўғлингиз ё қизингиз йўқмидиким, келиб қўлингизни тутиб, ҳолингизни сўрсин. Хотин: — Бордир, ўғлим, бордур! Бир эмас, кўп ўғил-қизнинг онаси эрурман, лекин шундоғ ёмон кунда бири дахий қўлимни тутарга келмай турибдур. Арслон: — Нечун келмайдилар? Сизнинг шу ҳолингизни англамаган бўлсалар керак. Бизларга сўроқларини, унвонларини беринг, биз бориб хабар берайлик, келсинлар. Хотин: — Йўқ, керак эмас, улар менинг шу ҳолимни кўриб турибдилар. Менга ачинмайдилар. Ўз тинчликларини кўрадилар, нечун келсинлар, — деди. Ботир бечора хотиннинг бу сўзларига чидолмайди. Юрагини қўрқув босиб кетди, қичқириб дедики: — У инсофсизлар қандай турадилар? Отлари нимадир? Одам ўз онасини шу ҳолда кўриб келмасми? Қандай тош юракли экан улар? Арслон: — Онажон, болаларингизни отини айтинг, биз бориб келтирайлик. Хотин: — Болаларимнинг отларини сўрайсиз? Бутун Чиғатой улуси менинг ўғил-қизларимдур. Менинг қучоғимда ётиб-ётиб турдилар. Менинг қучоғимда бердилар? — Тириклик учун керак бўлган нарсаларнинг барчасини мендан олдилар, оқибат мени шу ҳолга қўйдилар. Тириклигим билан соғлигимни сақламоқ учун тиришмадилар. Арслон бу сўздан шошиб қолиб яна сўради: — Нима! Бутун ўзбеклар сизнинг болаларингизми? — деди. Ботир: — Онажон, сиз ким бўласиз, отингизни менга айтмайсизми? Хотин: — Мен бутун ўзбекистоннинг, чиғатойларнинг оналари эрурман. Отим «Туркистондир». Арслон билан Ботир шу «Туркистон» сўзини эшиттач, сесканиб кетдилар, дедиларки: — Оҳ, онажон! Туркистонимиз сизми, она юртимиз сизми? Биз дахи сизнинг болаларингиз эрурмиз, бизларни сўкманг, қарғаманг, нима истасангиз биз келтирабиз, нима буюрсангиз, биз қилабиз. Бу ҳолингизга сабаб нима? Шу чоғда кўнглингиз нима тилайди? Айтинг бизга, онажон! Хотин: — Эсон бўлинг, ўғлонларим, менинг бу ҳолима сабаб болаларимнинг илмсизликлари, билимсизликларидур. Билгудан, ишдан, санъатдан бошқа тилагим йўқдур.

Арслон билан Ботур ғайратга келдилар. Этакларини белларига боғлаб: — Онажон, ундай бўлса озроқ туринг, биз бутун тилакларингизни топиб келтирамиз, — дебон этакларини белларига боғлайдилар ва икки ўқ каби чопиб кетадилар. Қаерга кетадилар, биласизми? Мактабга.

ТАМРИН: Арслон билан Ботир қаерга кетдилар? Йўлда нимани кўрдилар? Хотин нима деди? Ким экан у хотин? Нима истади? Унинг тилагини келтурмак учун икки қардош қаерга кетдилар? Нега?

Нашрга тайёрловчи
Илҳом ҒАНИЕВ.

«НАВРЎЗ» БОҒЧАСИДА НАВРЎЗ

Ўйлаб қарасангиз, номларда ҳам қандайдир уйғунлик, қандайдир боғлиқлик борга ўхшайди. Шунданми, ёки халқимизнинг шоҳ байрамига ҳурматлари чексизлигиданми, Акмал Икромов туманидаги 640-»Наврўз» болалар боғчаси жамоаси Наврўз айёмига тайёргарликни ҳар йили анча олдин бошлаб юборишади. Мана бу йил ҳам худди шундай бўлди. Боғча ҳовлисига ҳар хил кўчатлар ўтказилди, гуллар экилди, дарахтлар, айвончалар оқланди. Барча гуруҳларнинг хоналари Наврўзни, баҳорни улуғловчи шеърлар, шиорлар билан безатилди.

— Бу йилги Наврўз байрамини худди сайилга ўхшатиб ўтказишни режалаштирганди, — дейди боғча мудираси Дилбар Рашидова: — Бунинг учун мавжуд 20 та гуруҳда хизмат қилаётган 50 нафарга яқин тарбиячиларимизнинг ҳар бири алоҳида бир меҳр, иштиёқ билан тайёргарлик кўришди. Болаларимиз байрамни қизиқарли ва мазмунли ўтказиш учун турли-туман ўйинлар, рақс, шеъру қўшиқлар, ҳатто, анчагина лапарлар ҳам ўрганиб олишди. Шуниси диққатга сазоворки, бу байрамни биз ота-оналар иштирокида ўтказдик. Шу куни боғчамизда сумалак ва бошқа Наврўз таомлари сайли ҳам бўлди.

Дарҳақиқат, пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 640-»Наврўз» болалар боғчасида Наврўз байрами жажжиларнинг беғубор қувончларига, баҳорий сурурга, завқ-шавққа тўлиқ ҳолда ўтказилди. «Наврўз» боғчасидаги Наврўзга марҳамат, азизлар!

З. УСМОНОВА.

СУМАЛАК ТОРТИЛДИ

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида жойлашган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги 85-таянч мактабида «Ассалом, Наврўз!» деб номланган байрам тантанаси бўлиб ўтди. Йиғинни кириш сўзи билан очган билим маскани директори, халқ таълими аълочиси Дилором Жавҳарова иштирокчиларни Наврўз айёми билан қизғин табриклаб, унинг халқимиз қон-қонига сингиб кетган миллий байрамларимиздан бири эканлигини алоҳида таъкидлади.

Сўнгра бирин-кетин баҳорни, Наврўзни тараннум этувчи шеърлар, куй ва қўшиқлар янгради. Айниқса, Феруза Иноятова ижро этган қўшиқлар йиғилганлар қалбига бир олам завқ-шавқ бағишлади.

Байрам дастурхонига баҳорнинг тансиқ таоми — сумалак тортилди. Зангиота, Каттабоғ ва қўшни маҳаллалардан келган отахон ва онахонлар байрам кечасининг азиз меҳмонлари бўлишди.

Ж. ИСКАНДАРОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Суратда: Наврўз тантанасидан лавҳа.

Рашид ҒАЛИЕВ олган сурат.

Хуллас...

ҲАЛИ УЗОҚ УМР КЎРАДИ

Футбол бўйича Италия терма жамоаси 1938 йилда жаҳон чемпиони бўлганда дарвозабон Алдо Аливьери маҳорати билан мухлислар меҳрини қозониб ўз номини тилларгa дилларга қўчирганди. Италиянинг Верон шаҳридаги стадионни ҳокимлик унинг номи билан аташга қарор қилибдию, тўсатдан қарорини ўзгартирибди. Маълум бўлишича собиқ дарвозабон ҳали ҳаёт экан.

Дарвоқе, 86 ёшли Алдо Алиевьери майдонни ўзининг номига қўйишларига рози бўлибди-ю, сўзининг охирида ҳали янаям кўпроқ яшаш нияти борлигини ҳам таъкидлабди.

ДОРИСИЗ ТИББИЁТ

Рак касалига чалинган ва тузалмас деб топилган бир фаранг хоними мусулмонликни қабул қилиб, ҳажга бориб сиғиниб, касалликдан фориг бўлганини эшитгансизу, бироқ гумон билан қарагансиз. Олмониянинг Ҳорвард университети олими Ҳерберт Бенсин Оллоҳга сиғинишнинг натижалари борасида илмий ишини якунлади. Унинг илмий исботича, доимий сиғиниш нафас олиш частотасини туширар, бош миянинг тўлқинли тебранишларини меъёрига келтирар ва бу билан тананинг ўз-ўзини даволаш жараёнига йўл очар, мадад берар экан.

Бенсоннинг кузатишича, Оллоҳга ишониб сиғинувчилар духтурга бошқаларга нисбатан 36 фоиз кам кўринишаркан.

ЁМОН ИЛЛАТДАН ҚУТУЛИШ ЙЎЛИ

Болтиқ бўйи давлатларидан ўзига хос уйлайдиган халқлар яшайди. Уларнинг ҳар қандай ишлари аввалига нотабиийдек туюлиб кетади, лекин у ҳаракатларда доим мантиқ бўлади.

Дейлик яқинда Каунас шаҳрида ҳам шундай бўлди. Совет замони даврида шаҳарда русча ҳақоратлаш русумга кирганди. (биз ҳам бундан холи эмасмиз). Эндиликда Каунасда бу иллатга қарши «уруш» эълон қилинди: ким рус тилида бирор ҳақорат сўзини тилга олса 10 лит миқдорида жарима тўлайди.

Дарвоқе бу жарима миқдори Каунасдаги асосий кўч озодлик хиёбони чекканлар учун белгиланган жаримадан баланд экан.

МАЙК ТАЙСОН ЯНА ҒОЛИБ

Машҳур боксчи Майк Тайсон Лос Вегас шаҳрида жаҳон чемпиони унвони учун ўтказилган ўйинда ғолиб чиқди. Тайсоннинг рақиби англиялик Фрэнк Бруно бўлиб, у 12 раунд ўтказиладиган бу муштлашувда бор йўғи 3 раунд чидаб берди...

ана шунақа гаплар.

Спорт

ДАРДИНГНИ ОЛАЙ, ФУТБОЛЧИ!

Болаликни кўпчилик булоққа қиёс этади. Айниқса, турфа ташвишларни ортда қолдириб, кексалик ғаштини сура бошлагач, болалик уша булоқдан-да беғубор, тиниқ туюлса керак инсоннинг наздида. Билмадим. Мен баъзан мактаб ўқувчиларига термулиб туриб, уша ўзим учун энг ширин, тотли кечган, самимий «тўполон»ларга тулиб-тошган йилларимни орзиқиб ёдга оламан.

Уша пайтларда биз ўқувчи ёшлар бошқа фанларга нисбатан ҳам жисмоний тарбия дарсларини яхши кўрардик, шекилли. Мактаб стадиони ўшандаям худди ҳозиргидек ораста, алоҳида дид билан жиҳозланган бўларди. Лекин ўқитувчимиз негадир бизга ҳеч қанақа жисмоний машқ бажартирмас, фақат биттагина тўпни қўлимизга тутқазиб қўярди, холос. Бизнинг эса, бу «илтифот»дан бошимиз кўкларга етарди. Ахир, беҳуда югуриш ёхуд турли «булар-булмас ҳаракат»лар кимгаям ёқарди, дейсиз. Хуллас, бугун синфлаги ўғил болалар том маънода футбол ишқибози эдик.

Йиллар ўтди. Уша «суронли» умр ҳам ортда қолди. Ҳаммамиз полопонлардек ҳар тарафга тарқалиб кетдик. Аммо ҳанузгача орамиздан биронтаям ҳақиқий футболчи чиқмабди. Умуман айтганда. бунинг сира ҳайрон буладиган жойи йўқ, албатта. Негаки биз учун ҳам, уша муаллимимиз учун ҳам жисмоний тарбия шунчаки дарс, оддий машғулот эди, холос.

Балки бу ўтган 10 йил орасида қанчалаб «бегуноҳ» коптокларнинг «бошига сув қуйган»дирмиз? Балки, яна худди ўзимиз ҳар сафар қизиқиб томоша қиладиган фильмлардаги баъзи қаҳрамонларга ўхшаб қанча дераза ойналарини синдириб, кимларданди «пинҳоний қарғиш»лар ҳам эшитишга улгуриб булгандирмиз?.. Нима булгандаям, барибир бизларнинг афсусланишга, беҳуда пушаймонларга ҳеч ам ҳаққимиз йўқ. Чунки, шуниси аниқки, ушанда бизга ўхшаган «ёш ҳаваскор»ларнинг тақдири ҳеч кимни ортиқ ташвишга қўймаган, ҳеч ким бу тўғрида жиддий ўйлаб ҳам кўрмаган.

Яқинда уша ўзим вояга етган Бувайда туманида булиб қайтдим. Аслида бу ташрифим шахсий ишларим билан боғлиқ бўлса-да, барибир хизмат юзасидан кўпчилик мактаб директорларига дуч келиб, суҳбатлашишга эҳтиёж сездим. Асосий муаммо футбол тўпларининг танқислигида экан. Тумандаги жисмоний тарбия муаллимларининг бу ҳақдаги арз-додларини эшитиб туриб, талайгина пайтдан бери гўё болажонларимизни, айниқса, қишлоқ шароитида фарзанд ўстираётган оилаларнинг бугунги аҳволини сал бўлмаса унутаёзган республика Чарм фабрикаси маъмуриятидан бироз ранжидим.

Қаранг, тумандаги Одинахон Асқарова директорлик қилаётган 42-таянч мактаби учун умуман стадион ажратилмаган, жисмоний тарбия дарслари эса, мактабнинг қуримсизгина ҳовлисида ўтилар, ёғин-сочин кунларида болаларга диққинафас хоналарда жисмоний тарбиядан «лекция» ўқилар экан. Педагогик жамоа ҳар йили бу муаммо хусусида туман ҳокимига ариза кўтариб чопишади, «Дўстлик» жамоа хўжалиги раисига эса, айтишларича, ялинибёлвориб чарчашибди. Яна ҳайрон қоладиган томони шундаки, мактабнинг юқори синф ўқувчиларидан тузилган футбол терма жамоаси ҳатто туман биринчилигининг якуний босқичида фахрли 2-ўринни олишди. Афсуски, уларнинг бунақа юқори кўрсаткичга эришишларининг асосий пойдевори нима, қаерда шуғулланишди, ёш футболчиларнинг яна қандай ички муаммолари борлиги ҳақида ҳеч ким қизиққани йўқ.

Дарвоқе, уша мусобақада ўзим ҳам томошабин сифатида иштирок этдим. Ўйинчиларнинг шиддатини, уларнинг техник маҳоратлари дақиқа сайин шаклланиб бораётганини кўриб, кунглим тоғдай кўтарилди. Сирасини айттанда, беллашувда 5-мактаб ўқувчилари ғолиб бўлишди. Футболчиларга ҳавасим келибми, ишқилиб — «ғолиблар роса мукофотбоп бўлишди-да», — деб турганимда, олий мукофот бор-йўғи минг сўм эканлигини эълон қилиб қолишди. Жаҳон футболининг нуфузи учун миллиардлаб долларлар сарфланаётган кунларда, қолаверса, мустақил Узбекистон футболини дунё миқёсига олиб чиқиш тинимсиз тарғиб қилиниб ётган бир даврда нафақат Фарғона воҳаси, балки республикада кузга куринган туман учун футболга бу даражадаги эътибор муносиб эмаску! Халқ таълими бўлимидан ташқари тумандан ноҳотки бирор бақувват ҳомий фирма ёки корхона топилмаган бўлса? Асосий мақсад фақатгина «хўжа кўрсин»га мусобақалар уюштириб қўйиш ҳам эмас. Негаки, футболчини, умуман ҳар қандай спортчини ҳам беллашишга қанчалик ундаманг, барибир моддий эҳтиёж биринчи даражада қолаверади. Зеро, юртбошимиз имзолаган футболни ривожлантириш тўғрисидаги фармоннинг асосий мақсади ҳам энг аввало спортчиларнинг иқтисодий манфаатларини етарлича ҳимоя этишга қаратилган...

Хулоса қилиб айтганда эса, ҳар бир футболчи энг аввало инсон. Унинг ортида оиласи, бола-чақаси бор. У она юртининг шонушуҳрати, дунёвий обрў-эътибори учун тер тўкмоқда. Қолаверса, унинг ҳам ўз дардлари, орзу-армонлари бор. Бир-биримизнинг тафтимизни олиб яшаш эса, ҳаммамиз учун, албатта, кони савобдир.

Олимжон ҲАЙИТ.

ДАН-60 ёшда

САЛОМАТЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Тани соғлиқ — туман бойлик, дейди доно халқимиз. Ҳар бир инсоннинг гўзал, соғлом бўлиши озми-кўпми унинг ўзига ҳам боғлиқ. Хусусан, ҳар бир ота-она кўча ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда фарзандларига ҳам ўргатса, албатта, кўнгилсиз ҳодисалар камроқ содир этилади.

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 129-ўрта мактабда давлат автомобиль назоратининг 60 йиллик юбилейи муносабати билан бўлиб ўтган учрашув ана шу мавзуга бағишланди.

Анжуманни шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, туман ички ишлар бўлими, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамда Акмал Икромов туман халқ таълими бўлими ҳамкорликда ташкил этдилар. Анжуманда шаҳар ва туман ИИББ ДАН ходимлари, мактаб директорлари ва уларнинг тарбиявий ишлар бўйича муовинлари, педагоглар, болалар боғчалари методистлари ва тарбиячилар, маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирок этдилар.

Учрашувда шаҳар ИИББ ДАН бошқармаси тарғибот бўлимининг бошлиғи Азиз Эрназаров сўзга чиқиб, болалар боғчалари, мактаблар ҳамда тарбия муассасаларида болаларга йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини ўргатиш ва унга риоя қилиш, бу борада педагоглар, ота-оналар ва маҳалла фаоллларининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш транспорт ҳодисаларининг олдини олишда асосий омиллардан эканлиги ҳақида гапирди.

Анжуманда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси тарбиявий ишлар бўйича бош мутахассиси Омон Мамасолиев, Акмал Икромов туман халқ таълими бўлими мудири Шукрулла Икромов, Бешқайрағоч маҳалла қўмитаси раисининг муовини Тўлқин Ҳайдаров, Ҳайратий номидаги маҳалла қўмитаси раиси Аҳмад Дўстмуҳаммедовлар сўзга чиқишиб, соғлом авлодни тарбиялаш фақатгина тиббиёт ходимлари ва педагогларинггина иши бўлмай, бунда давлат автомобиль назорати ходимларининг ҳам муҳим ўрни борлиги ҳақида гапирдилар.

Анжуман сўнгида ДАН бошқармаларининг ходимлари йиғилиш иштирокчиларининг саволлларига жавоб бердилар. Учрашувдан сўнг шаҳар ИИББ ДАН ходимлари билан матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Д. ХЎЖАЕВА.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институт ректорати институт ходими Манзура Абдураҳмоновага онаси

Жўрахон ая АБДУРАҲМОНОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ректорати Андижон вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ўқув бўлими методисти Файзулла Мирзаевга отаси

Исматиллахон МИРЗАЕВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси шу қўмитанинг собиқ раиси Эркиной Комиловага ўғли

Алишер САЛИМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Улуғбек Жумаев.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0141. Тиражи 39710. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6